



# НУҚУЗ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 18-ИЮН, №24 (1221)

BUGUNNING GAPI



## ОРЗУ УШАЛДИ, ҲАВАС ЧЎНТАККА ҚОЛДИ



Яратганга минг бора шукур, камина ҳам икки ҳафта олдин ўғлимни уйлантириб, келин туширдим. Яширмайман, аёлим уч йилга яқин қиз қидирди. Гарчи ўғлим магистратурани ҳам тугатган, бир касбнинг бошини тутган бўлса-да, тақдир бўлмаса қийин экан. Бири ёшини, бошқаси ишини, яна бири домда яшашимизни баҳона қилди. Ниҳоят ўзига моси топилди, ёшлар бир-бирига маъқул келиб, фотиҳасини ўтказиб олдик.

Аввал қиз узатган бўлсам-да, биринчи марта ўғил уйлантиришим бўлгани боис чиройли тўй ўтказишни, ошна-оғайниларни чақириб, меҳмон қилишни кўнглимга тугиб кўйгандим. Пойтахтдаги ресторанларнинг бирини гашладим. Пули анчагина чакса-да, орзу-ҳавас деганларидек чамалаб кўриб, қарз олишни ҳам ўйлаб кўйгандим. 200 кишилик стол-стул, безаги, ансамбли, фотосессия-видеоси!.. Ўҳ-ху, озмунча пул керакми?! Бундан ташқари, аёлимнинг хархашалари ортиқча: «Уни олиш керак», «Ҳозир шу мода бўлган, ҳамма шунақа қилади...», «Қудаларимиз орзу-ҳавасли одамлар экан...».

Тўғри, орзу-ҳавасли дунё деймиз. Орзу-ҳавас нима ўзи?

Вақти келиб фарзандлари баалоғатга етгач, йигитларнинг ота-онаси чирой-

ли, ҳаёли, одобли, ўқимишли келинни, қизларнинг ота-онаси эса уйим-жойим дейдиган, топармон-тутармон куёвни орзу қилади, яхши куёви борларга ҳавас қилади. Аммо сўнгги пайтларда орзу-ҳавасда ҳам метёр бўлиши керакми бир четда қолиб, оналар бўлгуси келиннинг одоб-ю ҳаёси, ўқиган ё ўқимаганини «сидан чиқариб», бой-бадавлат хонадонни мўлжаллашга тушган эди. Бу масалада, афсуски, қиз томон ҳам иккинчи томондан қолишмасди. «Дахшат» бўлиб ўтган, ўнлаб санъаткорлар хизмат қилган дабдабали тўй ҳаваси устунлик қилиб, ўзи ҳам шундай тўй қилишга интиларди.

Халқимизда «топганинг тўйингга буюрсин» деган гап бор. Айтмоқчимизки, аввало дабдаба билан ўтган тўйдан кейин ҳаммаси жойида бўлсин. Худо

кўрсатмасину ота тўй учун олган қарзини тўлашга келганда қаердан пул олишни билмай хасталаниб қолса ёки бир-икки ой ўтар-ўтмас келин билан куёвнинг орасидан қора мушук ўтиб, ажрашаманга тушиб қолса нима бўлади?

Узоққа бормай бир мисол келтирсам. Яқин танишим бундан олти-етти йил олдин ёлғиз ўғлини уйлантирди. Топармон-тутармон бўлгани боис тўйни пойтахтнинг энг олди ресторанидан бирида ўтказди. Тўйдан кейин «қўқиди 20 мингта яқин кетди» деган эди. Тақдир экан, ўғли билан келини олти ойда ажрашди. Бир йилдан кейин ўғлини яна уйлантирди. «Каттагина ҳовлинг бор. Биринчи тўйинг эмас, шу ерда ўтказиб қўяқол» десам, «Жон дердим, хотин кўнмаяпти. Биласан, биттагина ўғлим бор. Бу ёқда

хотин орзу-ҳавас деб бошимни ачитиб юборди. Унга ўғлим ҳам қўшилиб турибди. Майли, шулар хурсанд бўлсин!» дея бу сафар ҳам олдингисидан қолишмайдиган ресторанда тўй қилди. Кейинчалик «Бу гал арзонроққа тушди. Салкам 15 минг доллар кетибди» деб гапириб юрди. Буни қарангки, ёшларнинг турмуши яна ўхшамасди. Орадан икки йилча вақт ўтгач, тўйга айтиб келди. Бордим. Ҳовлисида чиройли тўй бўлиб ўтди. «Бу сафар долларга ҳисоблаганда 5 мингта яқин кетибди. Аввалгиларига таққослаганда арзимган пул. Нега пуни олдинроқ ўйламадим экан? Хотиннинг гапига кирган ўзим аҳмоқман» дейди кулимсираб. Ҳозир бир ярим яшар набираси бор, ёшлар ҳам хурсанд.

Бу воқеани эшитганлар «Ҳа энди, тақдир экан!» дейиши мумкин. Аммо тақдирнинг қай тарзда кечишига биринчи галда инсоннинг ўзи сабабчи эмасми?! Танишим иккита тўйига сарфлаган пулга ўша пайтда бемалол икки ё уч хонали квартира олиш мумкин эди...

Давоми 7-бетда



2020 йил 17 июнь  
соат 17:00 ҳолатига



Касалланганлар  
5638 нафар



Соғайганлар  
4096 нафар



Вафот этганлар  
19 нафар



## УЛАР ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Қонунларимизда меҳрибонлик уйларида вояга етган болаларни ишга жойлаштириш ва уй билан таъминлаш белгиланган. Прокуратура органлари уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Фаргона шаҳрида 2019/2020-ўқув йилида 11 нафар меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси коллежни тамомлаган. Уларни иш ва уй билан таъминлаш масаласи доимий назоратда. Хусусан, Фаргона шаҳар прокуратурасининг ёрдами билан меҳрибонлик уйларида таълим-тарбия олган Т.Орлов, В.Найпак, Д.Қамчибоева, С.Хўжаева, В.Кузнецов ҳамда М.Ўринова май ойида «Фаргона-азот» АЖга ишга жойлаштирилди.

билан 4 нафар ёш фуқарога бўш уйлар белгиланган тартибда, хусусийлаштириш ҳуқуқисиз бириктириб берилиши таъминланди.

Хусусан, меҳрибонлик уйида улгайган О.Бадалова Қиргули кўчасидаги 30-уйнинг 42-хонадони, И.Нурматовга шу кўчадаги 5-уйнинг 2-хонадони, В.Кузнецовага Додхоҳ кўчасидаги 19-уйнинг 10-хонадони, С.Исаковга Янги аср кўчасидаги 104а-уйнинг 72-хонадони

### Меҳрибонлик уйларининг 20 нафар тарбияланувчисига хонадонлар топширилган.

Фаргона шаҳри ҳокимининг қарори билан 2019 йилнинг февраль, май ва сентябрь ойларида меҳрибонлик уйларининг 20 нафар тарбияланувчисига кўп қаватли уйлардаги хонадонлар топширилган. 10 нафари эса ўша пайтда бўш уй бўлмагани туфайли бошлана билан таъминланмай қолган. Васийлик ва ҳимийлик бўлимига мурожаат этган ёшларни уй билан таъминлаш хусусида шаҳар ҳокимлигига тақдимнома киритилган.

Ушбу ҳолатни ўрганиш давомида ҳокимнинг 2020 йил 19 май кунги қарори

бириктириб берилди. Шунингдек, Т.Орловага «Юлдуз» МФЙ Янги аср кўчасидаги 100а-уйнинг 79-хонадони вақтинча ордер асосида берилди.

Айни пайтда шаҳар прокуратураси бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда бўш уйларни аниқлаш ва юқоридаги каби фуқароларга бириктириб бериш чораларини кўрмоқда.

**Адҳамжон МАМАТАЛИЕВ,**  
Фаргона шаҳар прокурори

## ЭЪТИЎЖМАНД ОИЛАЛАР ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Навоий вилоятида камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш ва мазкур тоифадан чиқариш чоралари кўрилмоқда.

Вилоятда прокурорлар раҳбарлигидаги секторларда 61587 та оиланинг шароити тўлиқ ўрганиб чиқилган. Уларнинг 4058 таси ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги, шундан 3432 таси камбағал ва 626 таси пандемия даврида ишсиз қолган оила эканлиги аниқланган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан 1239 кишининг бандлигини таъминлаш, 3017 оилага (ҳар бирига 709 миң сўмдан) 2 млрд. 877 млн. сўмлик моддий ёрдам берилиши белгиланган.

курорлари фуқарони мавсумий ишга жойлаштириш орқали камбағалликдан чиқариб бўлмаганини тушуниб етган ҳолда уларнинг доимий бандлигини таъминлаш чораларини кўрмоқда.

Тахлиллар асосида ҳар бир прокурор секторида аниқ вазифалар белгилаб олинган. Хусусан, июнь ойида Кармана тумани прокурори секторида «Бахт Жалойир текстиль», «Бахт Маданият текстиль», «Анора Зарафшон» ва «Кармана асл дон» МЧЖлар ишга тушиши ҳисо-

### Бундай оилаларга минитехнология ва асбоб-ускуналар олиб берилаяпти.

Секторлардаги 973 та саховатпеша Стадбиркор эҳтиёжманд оилаларни қарамоғига олган.

Бугунги кунга қадар секторлардаги эҳтиёжманд оилаларга 5 млрд. 891 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. Бу борада асосий эътибор фуқароларнинг даромад олиниши ва камбағалликдан чиқишига имкон берувчи ёрдамни кўрсатишга, хусусан, иш билан таъминлаш, ер ва имтиёзли кредит ажратиш орқали тадбиркорлигини йўлга қўйишга қаратилган.

Айни пайтда эҳтиёжманд оилалар аъзоларининг бандлигини таъминлаш режаси 133 фоиз бажарилган бўлса-да, уларнинг 56 фоизи (940 таси) мавсумий ишга жойлаштирилган.

Ҳозир барча туман ва шаҳар про-

бига жами 750 киши, шундан камбағал оилаларнинг 250 нафар аъзоси доимий ишга жойлаштирилди.

Бундан ташқари, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга ўзини-ўзи банд қилиш имконини берувчи турли минитехнология ва асбоб-ускуналар олиб берилаяпти. Хусусан, Конимех ва Навбахор туманидаги йитирмага яқин камбағал оилага пайвандлаш ускунаси, Кармана, Хатирчи, Қизилтепа, Навбахор ва Конимех туманларида 30 дан орტიқ оилага мотокультиватор олиб берилди.

**Шерзод МУХАМАТОВ,**  
Навоий вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

## АҲОЛИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Бугунги кунгача коронавирус пандемиясига қарши бир қонун, бир нечта фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларда иқтисодиёт тармоқларини қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий асослар мустаҳкамланаёпти.

Барча турдаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, солиқ имтиёзлари, товар импорт қилувчиларни бож ва акциз тўловларидан озод қилиш, кредитлар учун тўланадиган фоизларнинг бир қисмини давлат томонидан қоплаш каби имкониятларнинг берилиши мамлакатни кўзга кўринмас офатнинг таъсиридан асрашда қудратли қалқон бўлмоқда. Айниқса, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш кучайтирилгани, ёлғиз кексалар ва ногиронларга 18 турдаги асосий озик-овқат ва гигиена маҳсулотлари бепул етказиб берилаётгани натижасида халқимиз давлатимизнинг ғамхўрлигини яна бир бор ҳис қилмоқда. Инсонпарварликка асосланган сиёсат барчамизни хайрли ишларга ундаётти.

Хонка туманида ҳам республика маҳсус комиссиясининг 2020 йил 3 апрелдаги қарори асосида бозор ёки савдо нуқталаридан узок ҳудудда жойлашган маҳаллаларга кўча савдо гуруҳлари ва асосий турдаги озик-овқатларни узлуксиз етказиб берувчи гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилган. Хусусан, тумандаги маҳаллаларда 44 та тургун, 44 та кўча савдо шохобчаси ишлаб турибди. Уларга 14 та таъминотчи жалб қилинган.

Тумандаги дехқон бозорига кириш-чиқиш назоратга олиниб, ҳудудда карантин ва санитария-гигиена қондаларига қатъий риоя қилиниши таъминланмоқда.

Шунингдек, кўча дорихоналар таш-

кил қилиниб, чекка ҳудудлар аҳолисига дори-дармон, антисептик ва бошқа зарур тиббий жиҳозларнинг етказиб берилишига эришилмоқда.

Туманга кириладиган иккита жойда пост ташкил қилинган бўлиб, белгиланган тартибда дезинфекциялаш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, туманда 2431 та транспорт, 335 та кўча, 146 та давлат идораси, карантинга олинган 110 та хонадон, 410 та камбағал оиланинг уйлари, 11 та машиналар тўхташ жойи ва бошқа объектлар белгиланган муддатда дезинфекция қилинди. Аҳолига 20 миңдан зиёд тиббий ниқоб бепул тарқатилди.

Карантин даврида ишсизликнинг олдини олиш мақсадида 697 киши жамоат ишларига жалб қилинди.

«Саховат ва кўмак» лойиҳаси доирасида эҳтиёжманд инсонларга кўмак бериш истагидаги тадбиркорлар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга бириктирилди. Хусусан, сектор ҳудудидаги 180 та эҳтиёжманд оилага 102 та тадбиркорлик субъекти томонидан 377 марта турли хил ёрдамлар кўрсатилди. Бу каби чора-тадбирлар давом эттирилмоқда. Мақсади-миз карантин шароитида аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, пандемияни бартаф қилишга кўмаклашиш, қонун устуворлигини таъминлашдир.

**Давронбек ҚУРБОНОВ,**  
Хонка тумани прокурори



## ОНЛАЙН МУЛОҚОТ

Коронавирус пандемияси бутун жаҳонда режалаштирилган ишларга ўзгартириш киритишга сабаб бўлди. Саломатлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида қатъий эҳтиёт чоралари ва карантин тартиби жорий қилинди.

Шундай шароитда Ёшлар куни кенг нишонланадиган Ёшлар ойлгидаги тадбирлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда онлайн тарзда ўтказилмоқда.

Жумладан, 2020 йил 26 май куни Бош прокуратура ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик меморандум доирасида Республика харбий прокуратураси, Тошкент шаҳар прокуратураси ҳамда Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши биргаликда ташкил этган «Прокурор ва ёшлар» учрашуви ҳам онлайн мулоқот тарзида ўтказилди.

Унда пойтахтимиз туманларидан 100 га яқин ёшлар қатнашди.

Таъкидланганидек, ҳозирги замонда ёшларимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб

аҳамиятга эга. Прокуратура органлари ёшлар билан ўтказиб келаётган тадбирларда айнан шу жиҳатларга, шунингдек ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Онлайн учрашувда маърузачилар ҳамкорликдаги ишлар кўлами ҳақида сўз юритиб, ёшларнинг ҳуқуқий, таълим, харбий ва ижтимоий соҳаларга тааллуқли саволларига атрафлича жавоблар берди. Ёшларнинг тақлифлари эшитилди ва ўзаро фикр алмашилди.

**Гулчеҳраҳон ТУРСУНОВА,**  
Тошкент харбий прокурорининг ёрдамчиси



# ТАБИАТ ВА ИНСОН

Фарғона вилояти бетакрор табиати, мўътадил иқлими билан ажралиб туради. Адирлар ва тоғ ёнбағирларида ўсадиган 32 турдаги ноёб ўсимликлар «Қизил китоб»га киритилган. Вилоятимизда 78 та оилага мансуб 1380 турдаги ўсимликлар тарқалган. Дарахт ва буталар, кўп йиллик ва мавсумий ўт-ўланларнинг 336 тури чўлларда, 437 тури қир-адирларда, 557 тури тоғ ва тоғолди ҳудудларида ўсади.



Халқимиз азалдан табиатни ардоқлаб келган. Ўзбекистон Конституциясида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг энг муҳим ва асосий қоидалари белгиланган. Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурлиги (50-модда), ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик бўлиб, давлат муҳофазасидалиги, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги (55-модда), мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилиши, мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги шарти (54-модда) мустаҳкамлаб қўйилган.

«Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ҳамда ҳукумат қарорлари билан давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни асраш, заруратга кўра кесилишини назорат қилиш, ҳатловдан ўтказиш бўйича масъул идоралар зиммасига бир қатор вазифалар юклатилган. Таҳлилларга кўра, масъул шахсларнинг ўз вазифасини тўлиқ бажарма-

гани оқибатида виллоятда ўтган йили 107 та чинор, 226 та қарағай, 48 та каштан, 43 та эман, 34 та акас, 30 та арча ва 26 та қайрағоч дарахти зарарланиб, қуриб қолган.

Вилоят прокуратураси органлари виллоят экология бошқармаси билан

## Ободонлаштириш бошқармаси муҳандиси чинорларни кестириб юборган.

ҳамкорликда назорат тадбирларини олиб бормоқда. Бугунги кунда экологик мувозанатга таъсир кўрсатувчи қонунбузарликлардан дарахт ва буталарни ўзбошимчалик билан кесиб ҳолатлари жиддий ташвиш уйғотади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони билан дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навлари кесилишига мораторий эълон қилинган бўлса-да, айрим шахслар қонун бузилишига йўл қўйишмоқда.

Ёзёвон тумани Мустақиллик кўчасининг четигадаги тўртта чинорни туман ободонлаштириш бошқармасининг муҳандиси Ж.Халилов гайриқонуний кестириб юборган. Қувалик Б.Носиров ҳеч қимдан руҳсат сўрамадан Фарғона тумани «Бирдамлик» МФЙ ҳудудидан

оқиб ўтган сой соҳилидаги битта чинорни кесиб олган. Марғилон шаҳридаги 10- ва 24- мактабда директорларнинг топшириғи билан бир туپ арча таг-туғи билан ва икки туپ чинорнинг тепа қисми кесиб ташланган. Фуқаро Қ.Эшматов танишлари С.Ғозиев ва У.Шоввозов билан шаҳарнинг «Саховат» МФЙда, ўзи яшайдиган кўпқаватли уй олдидаги икки туپ чинорни кесиб, пулламоқчи бўлган. Ўзбошимчалик билан дарахтларни кесган мактаб директорлари ва фуқаролар маъмурий жазога тортилди.

Соҳада қонунийликни таъминлаш борасида жорий йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида ўтказилган назорат тадбир-

ларида қонунга зид 29 та қарорга протест келтирилди. Қонун бузилишини бартараф этиш тўғрисида 14 та тақдимнома киритилди. 11 киши интизомий, 43 киши маъмурий жавобгарликка тортилди. ОАВда ва бевосита мулоқотларда қонун талаблари ва қонун бузилишининг оқибатлари тушунтириб борилмоқда.

Ҳукумат қарори асосида давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерлардаги дарахт ва буталар хатланиб, виллоятдаги 317 мингдан ортиқ дарахт ва буталарни муҳофаза қилиш чораси белгиланди. Баҳорда режа асосида жами 16471 та манзарали ва мевали дарахт кўчати, 9095 та дарахт қаламчиси экилиши таъминланди.

Тўзал табиатимизни софлигича сақлаш, асраб-авайлаш, бойитиш учун ҳаммамиз бирдай масъул эканлигимизни унутмаслик лозим. Зеро, табиатни асраш келажакни асраш демасдир.

**Нодиржон ДЖАЛОЛОВ,**  
Фарғона вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

## ЕРГА ХИЁНАТ – ЭЛГА ХИЁНАТ

2019 йилнинг 17 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони имзоланган.

Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш ҳолатларини ўрганиш, йўл қўйилган қонунбузилишларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг махсус фармойиши чиқарилган.

Унга кўра, ерлардан ноқонуний фойдаланишнинг олдани олиш бўйича Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг раиси бошчилигида комиссия ҳамда ушбу ҳолатларни бартараф этиш бўйича республика прокурорининг ўринбосари раҳбарлигида гуруҳ тuzилган.

Бундан ташқари, республика прокуратурасида ерларни талон-торож қилиш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича прокуратура ва соҳа мутахассисларидан иборат таркибда штаб ташкил этилган.

Ўтган вақт мобайнида ҳудудларда комиссия ва гуруҳлар томонидан 406 та маҳалланинг барчасида ерлар хатловдан ўтказилди. Натижада республика бўйича 2175 та ҳолатда 527,6 гектар ерни аҳоли ўзбошимчалик билан эгаллаб олгани аниқланди ва шундан 92,3 фонзи қайтарилиши таъминланди. 908 та ҳолатда 33,6 гектар ерда амалга оширилган ноқонуний қурилишлар буздирилди. Кўпол қонунбузилишлар юзасидан 14 та жиноят

иши кўзгатилди. Хусусан, Беруний туманидаги «Бий-базар» ОФЙда фермер хўжалигига ажратиб берилган экин майдонида фуқаро М.К. уй қуриб олгани, мазкур 0,3 гектар ерни унга собиқ фермер фирибгарлик билан 8 млн. сўмга сотгани ҳолати юзасидан жиноят иши кўзгатилди.

Шунингдек, фуқаро З.К. Нукус тумани ҳокимлиги мансабдорлари билан жинойий тил бириктириб, ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан фуқароларга 4 сотихдан жами 0,12 гектар ерни 60 млн. сўмга сотган. Мазкур ҳолат юзасидан ҳам жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Данияр АСКАРОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори



# НИҚОБСИЗ АЁЛНИНГ ХУРМАЧА ҚИЛИҒИ

Ҳозирги пайтда айрим фуқаролар коронавирус хавфига қарши кўрилатган чора-тадбирларнинг аҳамиятини тушунишни истамай, карантин қоидаларини бузишмоқда. Бу касалликнинг мамлакатимизда кенг тарқалиши хавфини туғдиради. Шу боис санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузганлик учун қонунчилигимизда қатъий жавобгарлик белгиланган.

27 ёшли фуқаро Парвина Пўлатова шуни билиб туриб, қондага амал қилмаган эди, оқибатда жазога тортилди.

П.Пўлатова 2020 йил 2 апрель куни Яққасарой туманида ҳозирги пандемия давридаги санитария ва гигиена қоидаларига риоя этмасдан, яъни юзига тиббий ниқоб такмасдан кетаётганида худуд

профилактика инспектори уни тўхтатади ва танбەх бериб, юзига ниқоб тақиб олишни кераклигини айтади. П.Пўлатова эса инспекторнинг қонуний талабини бажармасдан, уни ҳақорат қилиб қочиётган. Шундан сўнг инспектор унинг ҳуқуқбузарлигини расмийлаштириш, қонунда белгиланган чораларни кўриш

учун ички ишлар идорасига олиб келиш чораларини кўради. Мазкур жараёнда П.Пўлатова ўзини босиб олиш ўрнига инспекторга қаршилик кўрсатиб, енгил жароҳат етказди. Ҳатто хизмат кийими ва алоқа воситасини шикастлайди. Идорага келганида ҳам жанжални давом эттириб, ҳуқуқбузарликни расмийлашти-

ришга ҳалақит бериб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларини куракда турмайдиغان сўзлар билан ҳақорат қилади.

Мазкур ҳолат жиноят ишлари бўйича Яққасарой тумани судида кўриб чиқилиб, айбланувчига нисбатан ҳукм ўқилди. Унга кўра П.Пўлатовага бир йил озодликни чеklang жазоси тайинланди.

**Расул МАТХАЛИКОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма АМИБ терговчиси



Бугун транспортларда лицензиясиз йўловчи ташиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга кўп дуч келаяпмиз.

Шунинг қайд этиш жоизки, амалдаги қонунчиликда автомобиль транспортида лицензиясиз йўловчи ташиш билан ташиш учун маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган. Яъни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176<sup>б</sup>-моддасига кўра мазкур ҳуқуқбузарлик учун фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваридан 100 бараваригача, мансабдорларга эса 50 бараваридан 150 бараваригача жарима солинади.

Тахлилларга кўра, 2019 йилда Наманган вилояти маъмурий судларида мазкур тоифадаги 562 та ҳуқуқбузарлик кўриб чиқилган. 208 нафар фуқарога 483 млн. 774 минг 480 сўм жарима солинган. Шунингдек, 354 нафар фуқаро ҳуқуқбузарликни ўттиз кун ичида бартараф этгани ва етказилган моддий зарарини қоплагани сабабли жавобгарликдан озод этилиб, маъмурий иш юритиш тугатилган.

Хусусан, А.Махмутов 2019 йил 4 декабрь куни Норин туманида «Дамас» автомашинасида лицензиясиз йўловчи ташиш, беш нафар йўловчининг 15 минг сўм йўл ҳақи эвазига манзилга олиб бориб қўйишга келишган. Бу билан МЖТКнинг 176<sup>б</sup>-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган.

А.Махмудов ҳуқуқбузарлик содир этган, 30 кун ичида Норин туманидаги «Норин техсервис» ҳусусий корхонаси билан шартнома тузган. Шунингдек, Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги Наманган вилояти бошқармасидан 2019 йил 13 декабрдан 2020 йил 12 декабргача лицензия варақасини олган.

Шу сабабли суд уни ҳуқуқбузарлик содир этган вақтдан бошлаб 30 кун ичида йўл қўйилган бузилишларни ихтиёрий равишда бартараф этган деб ҳисоблаб, унга нисбатан МЖТКнинг 271-моддаси 11-бандини қўллади ва жавобгарликдан озод этди.

1969 йилда Наманган шаҳрида туғилган Абдулло Абдураҳимов ҳам ўзининг «Дамас» автомашинасида лицензиясиз йўловчи ташиш билан шугулланган. Транспорт вазирлиги Наманган вилояти бошқармаси ходимлари томонидан тўхтатилиб, ҳужжатлари сўралганда йўловчи ташиш учун лицензияси йўқлиги аниқланган.

А.Абдураҳимов суд мажлисида Наманган шаҳридаги «Сайёрабегим транс» МЧЖ билан шартнома тузган ҳолда транспортда йўловчи ташиш учун лицензия олгани, қилган ишдан пушаймонлигини айтиб, қонуний енгиллик сўраган.

Унинг йўл қўйилган бузилишларини ихтиёрий бартараф этгани инобатга олиниб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилди.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик содир этган Р.Ғиёсов 30 кун ичида лицензия варақасини олмаган. Бирок қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароити оғирлиги инобатга олиниб, суд Р.Ғиёсовга нисбатан енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўлади. Базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн икки баравари, яъни 2 млн. 676 минг сўм жарима солади.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, агар шахс ҳуқуқбузарликни ўз вақтида бартараф этиб, қонуний фаолият кўрсатишга ўтса жавобгарликдан озод этилади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, бу каби чоралардан мақсад қилмишидан жазиматга тортишдангина иборат эмас. Аксинча, қонунчилик фаолият нотиғри экани, доим таъшиш келтиришини фуқароларга тушунтириш, бундай фаолиятга чеқ қўйишдири. Яъни, қонунга хилоф иш қилиб жазога тортилгандан кўра, унинг олдини олган афзал.

**Хусниддин МАДАМИНОВ,**  
Наманган вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

JINOYAT VA JAZO

# ЗИТА ВА ГИТАНИНГ ҚИЛМИШИ

Ҳинд ижодкорларининг машхур «Зита ва Гита» фильмининг ҳаммамиз болалигимиздан севиб томоша қилиб келамиз. Ҳозирги кунда ҳам бу фильм ўз қимматини йўқотмаган. Маълумки, фильмдаги эгизаклар эзгулик учун курашиб, ёвузликни енгади. Афсуски, бизнинг Зита ва Гиталар эса бунинг аксини қилишгани аён бўлди.

Воқеа бундан уч йил олдин бошланган эди. Зита уч йил аввал дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш ҳуқуқини берувчи «руҳсат ёзув»ни расмийлаштирмай, чет элга чиқиш тартибини бузган ҳолда Украина орқали Бирлашган араб амирликларининг Шаржа шаҳрига етиб келади ва у ердан Абу Даби шаҳрига кетади. Шаҳарда Зитанинг «иши» асосан тунда бошланарди. Аввалига ўзи шаҳардаги ресторанларни кезиб, фоҳишалик билан шугулланган бўлса, кейинчалик шахвоний мақсадда фойдаланиш учун одам ёллаб пул топиш ҳақида режа тузади. У танишларига жирканч ишни ортидан мўмай даромад топаётганини, ўзга юртда маликалардек яшаётганини айтиб, оғиз кўпиртирарди. Зитанинг бу тузоғи иш бермай қолмади.

София Сайдова юртимиздаги кафе-ларнинг бирида Зитанинг синглиси Гита билан бирга ишларди. Иккови анча яқин бўлиб қолишганди. Сўхбатларда Гита дугонасига опаси БААДа жарақ-жарақ пул топаётгани ҳақида кўп гапирадиган бўлди. Табиийки, бу Софияда кизиккиш уйғотди. Гита опаси жўнатиб турган пуллар ҳақида гапирганида Софиянинг хаваси келарди. Унга ўз юртида топаётган пули камдай туюла бошлади. Оқибатда у ҳам хорижда ўз баданини сотиб пул ишлашни мақсад қилди. Гитага опаси билан гаплашиб, қарз олиб беришини сўради. Зитага эса айнан шу керак эди.

Хуллас, 2018 йилнинг февраль ойида София ҳам чет элга чиқиш тартибини бузган ҳолда Киев шаҳри орқали Шаржага етиб борди. Аэропортда Софияни кутиб олган Зита уни ўзи яшаётган хонадонга жойлаштирди. Шу куннинг ўзида унга чиройли бўлиб олиши учун ўзининг кийимларидан бериб, бўяниб олишини, бугунчи ишга чиқиш кераклигини айтиди. Узок йўл босиб чарчаган София бироз дам олиб, кейин ишга чиқмоқчи

бўлганида олиб келиш учун 2500 АҚШ доллари харажат қилганини айтиб, бу пулни тезроқ ишлаб беришни талаб қилади. София хайрон бўлади. Чунки Зита унга бир марта 350 доллар жўнатган эди, холос. Шунинг учун ҳам София эътироз билдирганида, унга бу пулни ишлаб беришга мажбурлигини, бўлмаса полицияга ушлаб беришни айтиб кўркатади.

Шу кундан бошлаб София Абу Даби шаҳридаги мехмонхона ва тунги клубларда фоҳишалик билан шугуллана бошлайди. Тил билмагани сабабли Зита нижоз қидириб топар, пулини ҳам ўзи оларди. Софианинг хаёти шу тартибда бир ойча давом этади. Бу вақтда у фақат Зитанинг чўнтагига ишлади. У талаб қилганидан бир неча баробар кўп пул ишлаб берган бўлса-да, Зита уни қўйиб юборгани келмасди.

Қийинчилик ва оғир ҳаётдан қутулиш мақсадида чора излаган София бир амаллаб юртимизга қайтди ва мазкур ҳолат ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиб, Зита Бобоқуловага нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Ариза асосида тергов ўтказилиб, З.Бобоқуловага нисбатан қидирув эълон қилинди. Орадан бир қанча вақт ўтиб Зита «Тошкент» халқаро аэропортида қўлга олинди. Терговда қилмишига иқдор бўлишдан бошқа чораси қолмади.

Жиноят ишлари бўйича Сергели тумани суди З.Бобоқуловага нисбатан жазо тайинлаб ҳукм чикарди.

Хулоса шуки, инсон тақдирини ўйинчоқ деб билиб, ундан буюм сифатида фойдаланишга уринганлар Зита каби қонун олдида жавоб беришларига тўғри келди.

**Шерзод МАМАДЖАНОВ,**  
Тошкент авиация транспорти прокурори



# ҚОНУН УСТУВОР ЮРТДА ТАРАҚҚИЁТ БЎЛАДИ

Қишлоқ хўжалиги жуда катта ва кенг қамровли соҳа. Заҳматқаш деҳқонларимизнинг меҳнатини қадрлаймиз. Бу соҳада учраб турадиган салбий ҳолатлар эса қонун ҳимоячиларининг эътиборидан четда қолмайди.

Вилоятда бу йил 101 230 гектар ерга ғалла, 75 580 гектар ерга пахта ва 16 236 гектар ерга сабзавот экилган. Шунингдек, аҳоли томорқаларида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилмоқда. 45 та «Томорқа хизмати» МЧЖ 67 133 та томорқачи билан шартнома тузган. Уларга 153 424 туپ мевали кўчат, 44,7 тонна картошка ва бошқа сабзавот уруғлари етказиб берилган.

Жойларда эҳтиёманд оилаларга кўчат ва уруғлик олиб бериш учун маҳаллий бюджетдан 452 млн. сўм пул ажратилиб, 20 та кооператив ташкил этилган ва уларга 384 гектар ер ва 991 нафар камбағал фуқаро бириктирилган.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқачиларни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан иссиқхона, боғдорчилик ва артезиан қудуқлар қазиб учун жами қиймати 10 млрд. сўмлик 513 та лойиҳани молиялаштириш чоралари қўрилмоқда.

Жорий йилда 5 та тумандаги 25 маҳаллада қудуқ қазиб белгиланган. Бунинг натижасида 125 та хонадоннинг 31,2 гектар ерида сув таъминоти яхшиланади, кўплаб экинлар етиштирилади.

Вилоят прокуратураси ғалла етиштириш бўйича агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилишига ҳам жиддий эътибор бериб келмоқда. Жумладан, «Агробанк»нинг Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи М.Б. фермер хўжаликлари пахта ва ғалла етиштириш учун ажратиладиган имтиёзли кредитлар ҳисобидан минерал ўғит сотиб олиш учун 27 мартдан 13 апрелгача келиб тушган 9 млрд. 914 млн. сўмдан 8 млрд. 782 млн. сўмини Республика товар-хомашё биржасига ўтказиб, қолган пулни ўтказмагани оқибатида 3212 тонна минерал ўғит олинмай қолган. Ҳолат бўйича вилоят прокуратураси банк мансабдорига нисбатан маъмурий жавобгарлик

тўғрисида иш кўзгатилиб, ҳужжатлар Самарқанд шаҳар маъмурий судига юборилган.

Бу йўналишда аниқланган қонун бузилишларни бартараф этиш ҳақида 15 та тақдимнома киритилди, 163 нафар шахс оғохлантирилди, бир нафар шахс интизомий, икки нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Вилоят бўйича 2048 гектар ер ўзбошимчилик билан эгаллаб олингани аниқланиб, бугунги кунда 1734,6 гек-

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги 461-қарорининг 26-бандида қонун ҳужжатларида белгиланган ҳажмдаги (0,06 гектар) ер участкасига нисбатан мулк ҳуқуқи берилиши кўрсатилган. Бироқ Булунгурда 146,8, Пастдарғомда 149,6 ва Пайариқда 236,3 гектар ортиқча ерга нисбатан туман ҳокимларининг қарорига асосан мулк ҳуқуқи эътироф этилган. Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов олиб борилмоқда.

## Ерларни талон-торож қилиш ҳолатлари юзасидан 57 та жиноят иши кўзгатилади.

тари қайтарилди. 1048,9 гектар ерда аҳоли ноқонуний қурилишлар қилгани аниқланиб, 94,6 гектар ердаги ноқонуний қурилмавлар буздирилди.

Бундан ташқари, туман ҳокимларининг 540,6 гектар ерни ажратиш тўғрисидаги 118 та ноқонуний қарори туман прокурорларининг протести ва тақдимномаси асосида бекор қилинди.

Ерларни талон-торож қилиш ҳолатлари юзасидан 57 та жиноят иши кўзгатилади.


Туман ҳокимларининг ноқонуний қарорларини бекор қилиш ва қонунга мувофиқлаштириш ҳақида 36 та протест келтирилди. Аниқланган қонун бузилишларни бартараф этиш тўғрисида 16 та тақдимнома киритилди. 105 нафар мансабдор қонунни бузмаслик ҳақида оғохлантирилди.

**Шухрат ТУРАЕВ,**  
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим бошлигининг ўринбосари

## JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI



«Бу уйда ҳеч қачон Дилмуроднинг тўйи бўлмайди!»



Ғолибнинг ғазаб билан айтган бу гапига ота-онаси эътибор беришмади. Ваҳоланки, аканинг юрагида ҳасад, алам, адоват олови лангиллаб ёнмоқда эдики, бу аланга алал-оқибат уларнинг хонумони билан туташиб кетди...

# ОТА ҲОВЛИНИ ТАЛАШГАНЛАР

**Т**арихий сериалларда тожу тахт илинжида энг муҳим қотиллик саналмиш биродарқушликка қўл ураётган шахзодалар ҳақидаги эпизодларга кўп дуч келаемиз. Бироқ отадан қоладиган уйни деб ўз жигарига тиг урган қосонлик йигитнинг қилмиши сериалдагидан ҳам ошиб тушди.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судида судланувчи Ғолиб Ғуломовнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ана шу даҳшатли жиноятига қонуний баҳо берилди.

Маълум бўлишича, судланувчи 1983 йилда туғилган. Маълумоти ўрта. Пахта заводида ишчи бўлиб ишлаган. Оилали, икки фарзанди бор.

Ғолиб ота ҳовлисига ота-онаси, турмуш ўртоғи, икки фарзанди, укалари Дилмурод ва Шермурод билан яшар эди. Катта акаси пойтахтда яшайди. Укаси Шермурод эса ногирон.

Бу орада Дилмурод ишлаш учун Россияга кетди. Акасининг номига яхшигина пул жўната бошлади. Ғолиб эса пулни онасига келтириб берарди. Тез орада Дилмуроднинг беш хонали янги уйи ҳам битай деб қолди.

Ғолиб ҳам уй қураётган эди. Аммо ишлари юришмай, қўли калталиқ қилиб, қурилиш чўзилгандан чўзилиб борарди. Охири ота-онасидан ҳовлидаги катта уйни бузиб, қурилиш материалларидан фойдаланишга рухсат сўради. Аммо рад жаво-

бини олди. Ғолиб онаси билан анча тортишиб ҳам олди. Дилмуроднинг жавоби эса ундан ҳам ошиб тушди:

– Ота-онам турган уйда мен ҳам яшайман, бу уйда менинг ҳам ҳаққим бор, ўзим қурган уйда ўғлим яшайди...

Ғолиб нажот истаб, ота-онамни кўндирар деган илинжида тоғасиникига борди. Тоға Ғолибнинг онаси ва Дилмуродни чақириб, насихат қилди. Бироқ фойдаси бўлмади. Тоға таслим бўлиб, бундан кейин уларнинг ишларига аралашмаслигини айтди.

– Янги уйингга бориб яшайвер, – деди онаси. – Барибир сенга ёрдам бера олмаймиз. Дилмуродни уйлантиришимиз керак...

Ғолиб укаси Дилмуродга юзланди: – Янги уйда тўйни қилавер, ўша ерда яша, бу ерда мен қолай?...

Дилмурод яна эски жавобини қайтарди:

– Бу уйда менинг ҳам ҳаққим бор...

Бу тортишув узоқ давом этди. Ота-онаси билан бир ҳовлида яшасан-да, Ғолибнинг рўзғори алоҳида эди. Онаси келини билан уч йилдан буён гаплашмасди. Уй мождароси эса бу зиддиятни чуқурлаштириб юборди...

Охири Ғолиб ўзининг даҳшатли қарорини ота-онасига маълум қилди:

– Бу уйда ҳеч қачон Дилмуроднинг тўйи бўлмайди!

Ота-онаси унинг гапига парво ҳам қилмай, тўй кунини белгилашди.

Тўйга бир неча кун қолганди. Дилмурод тўй ташвишлари билан бозорга тушиб

чиқди. Алламаҳалгача қўймаланиб юриб, сўнг ҳовлидаги қаравотга ётди.

Ярим тунда уйқуси қочиб, ҳовлига чиққан Ғолиб пишиллаб ухлаб ётган укасига қараб ўйлаиб қолди. Ич-ичидан нафрати тошиб келди. Қулоқлари остида унинг истехзоли овози жаранлагандай бўлди: «Бу уйда менинг ҳам ҳаққим бор. Янги уйда ўғлим яшайди. Мен шу ерда яшайман. Сен чиқиб кет!».

Ғолиб қандай қилиб ошхонадан пичоқ кўтариб келганини сезмай ҳам қолди. Сўнг қараб ва даҳшат исқанжасида укасига қайта-қайта пичоқ ура бошлади. Оппоқ кўрпага сачраган қил-қизил қонни қўрғач ҳам тўхтамади...

Ота-онаси етил белганида Дилмурод жон талвасасида калима қайтарар ва «мендан рози бўлинглар» деб шивирларди...

Дилмурод шифохонада жон берди. Мутахассислар унга 37 марта пичоқ урилганини маълум қилишди.

Суд мажлисида ота-онаси Ғолибга қонуний жазо берилишини талаб қилишди. Суд ҳужмига қўра Ғолиб Ғуломовга 16 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Қўли жигарининг қонига беланган биродарқуш ака қонуний жазосини ўтамоқда. Аммо у бир умр таъқиб қиладиган виждон азобига қандай дош бера экан?!

**Шерниёз УМИРЗОКОВ,**  
Қашқадарё вилояти прокурорининг ўринбосари



# «БАХТИЁР ОИЛА» КИТОБИНИ ТАВСИЯ ҚИЛАМАН»

Олий Мажлис қарори билан тўй ва бошқа маросимлар тартибга солинди. Орзу-ҳавас, мен сендан кам эмасман дея кимўзарга дабдабали тўйлар қилишга, келин-куёвнинг топиш-тутиши ўртача ота-оналарини қарзга ботирадиган куёвчақирди, отакўрдилар, олди-берди бидъатларга чек қўйилди.

Юртимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш борасидаги чекловлар қатори никоҳ тўйларини янада ихчам, кўпи билан ўттиз киши иштирокида ўтказиш белгиланди. Фарғона шаҳридаги «Бешбола» МФЙнинг раиси Расулжон Сайдалиев билан ана шу мавзуда суҳбатлашдик.

– Никоҳ арафасида бўлажак келин-куёв ва ота-оналарнинг таклиф қиламиз, – деди раис. – Пандемия шароитида никоҳ тўйини ўтказиш тартиби билан таништирамиз. Куёв-келининг ахду паймонлари қатъийлигини сўраб-суриштирамиз. Ота-оналарига келин тушган хонадонига мослашиб кетгунича меҳр-оқибат, ҳурмат-эҳтиромга раҳна солиши мумкин бўлган тушунмовчиликларини вазминлик билан, керак бўлса ўзаро ён босиб ҳал қилиш хусусида тавсиялар берамиз. Тўйлар уйда, ихчам, камчиқим ўтказилаётгани ҳар жиҳатдан

фойдали эканини кўпчилик англаб етаяпти. Тўйхона хаки, қанчадан-қанча сарф-харажат тежалаяпти. Тежалган пул ёш оиланинг рўзгорини бутлашга сарфланади.

Расулжон Сайдалиев МФЙ биносининг ичкари-сига, кенг хонага бошлади. Хона тўрини тартиб билан мингдан зиёд китоб терилган жавонлар эгаллаган. Маҳалла раиси Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуфнинг «Бахтиёр оила» китобини кўлга олади.

– Бўлажак куёв ва келинга шу китобни албатта олинг, астойдил ўқиб, амал қилинг деб тайинлайман. Яқинда маҳалламизга обрўли, зиёли хонадонлар кула бўлишиди. Дадажонлар оиласининг иккинчи фарзанди

Жўрабой маҳалламизда яшовчи Жўраевларнинг тўнғич фарзанди Дилнозахонга уйланди. Оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарим Мукаддасхон Холматова тўйда бошдан охиригача қатнашди. Ховлидаги хоналарда ўттизга яқин қариндошлар, куёвнинг жўралари, келиннинг дугоналари жам бўлишди. Магнитофонга ёзиб олинган куй-қўшиқлар янграб кўнгилларни яйратди. Ихчам никоҳ тўйи спиртли ичимликсиз ўтди, ҳар томонлама ибратли бўлди.

Маҳалла раиси билан суҳбат асосида кўпни кўрган мўйсафид отахоннинг сўзлари ёдга тушади. «Бир умр куёв-келининг ёдида қоладиган бир кунлик базм ўтади-кетди. Муҳими, кейинчалик ёш оиланинг меҳр-муҳаббат ришталари мустаҳкам бўлсин, асло дарз кетмасин».

Исроил ИБРОҲИМОВ,  
«Нидоқ»

## ТЕЖАЛГАН МАБЛАҒ ҲИСОБИДАН «НЕКСИЯ -3»

«Топганинг тўйга бюрсин!» Бу дуоми, қарғишми? Дарҳақиқат, тўй инсон ҳаётида бир марта бўлади. Тўғрироғи, нормал ҳаётда бир марта бўлади. Мамлакатимизда йилига ўртача 30 мингта никоҳ бекор қилинапти. Ажримларнинг кўпайиб бораётгани бу муқаддас куннинг моҳиятига пугур етказмоқда.

Балки бунга бахт тушунчасини нотўғри талқин қилиш сабаб бўлаётгандир. «Тўй ҳаётда бир марта бўлади» деган фалсафа билан дабдаба қилаётганлар ана шу «бир марталик»ни бир умрга мустаҳкамлаш йўллари ҳақида ўйлаб кўрмаяпти. Тўйнинг бир марта бўлиши исроф, ҳаддан ошишга баҳона эмас, балки масъулиятни англамайди.

Ота-она атрофдагилардан қолишмаслик, «орзу-ҳавасли» қудохоланинг хоҳишини бажо келтириш, фарзандининг кўнглини ўқитмаслик учун барини муҳайё қилишга мажбур бўларди. Бир неча кун тўй берилиб, ёшларга асқотиши мумкин бўлган деярли битта уйнинг пули кўкка совирилди. Ваҳоланки, пайғамбаримиз Мухаммад саллолҳу алайҳи васаллам «Никоҳ тўйида бир кун таом бериш суннат, икки кун таом бериш исрофгарчилик, уч кун таом бериш риёкорликдир» деган экан.

Неча йилдирки, тўй-маъракаларни ихчамлаштириш, ортқича сарф-харажатларни камайтириш ҳақида айтилмасин кўпчилик бунинг аксини қилиб келди. Охири 2019 йил 14 сентябрда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси кенгашлири тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга кўра тўй-маъракаларга келувчилар сони 200 кишидан ошмаслиги белгиланди. Бироқ мазкур қарорга ҳамма жойда ҳам амал қилинавермади. Қарор чиққанидан кейин ҳам баъзи жойларда анча-мунча тўйлар аввалгидек дабдаба билан ўтказилди. Бу айрим юртдошларимизнинг янги тартибга кўнкулмаганидан далолат эди.

Коронавирус боис жорий этилган карантин сабаб икки ойдан бери мамлакатимизда тўй ва бошқа оилавий тадбирлар ўтказилаётганиди. Республика махсус комиссиясининг қарори билан амалдаги карантин талаблари 2020 йилнинг 1 августига қадар узайтирилди. Шунингдек юртимизнинг коронавирус пандемиясидан холи бўлган, яъни «яшил» ҳудудларида тўй ва оилавий тадбирларни барча санитария ва гигиена талаб-

рига қатъий риоя этган ҳолда, 30 кишилик қилиб ўтказишга рухсат берилди.

Қайноғам катта ўғлини 23 мартда Қарши шаҳридаги тўйхоналардан бирида 150 кишилик тўй қилиб уйлантирганди. Ўшанда аслида икки ўғлини бирга уйлантирмоқчи эди. Бироқ келин бўлмиш ва иккинчи ўғли бунга рози бўлишмаганди. Ёшлар Тошкентдаги Вестминстер университетиде бирга ўқишган. Куёв бўлмиш ҳозир Австралиянинг Сидней шаҳрида иқтисодиёт йўналиши бўйича магистратуранинг 2-курсида ўқийди. Охири ёшлар ўйлаб кўришиб, яқинда тўйнинг харажатига кетадиган маблағи ҳисобидан «Нексия-3» машинасига тўлов қилишди ва 30 кишилик тўй қилишга рози бўлишди.

Коронавирус пандемияси халқимизнинг пешона тери билан топан пулини тўйбозлик, базмбозликка эмас, балки ҳар бир инсоннинг сиҳат-саломатлигини асрашга сарфлаш лозимлигини яна бир бор намоён этди. Лекин шундай шароитда ҳам тўй орқали кимгадир ўзини, бойлигини кўрсатиб қўйишга умид берадиган янги-янги иллатлар буй кўрсатмоқда.

Яқинда Давлат хизматлари марказига бир иш билан бориб, ишимни биттиришим учун 239-навбатда туришимга тўғри келди. Ўтириб навбатим келишини кути бошладим. Мен билан ёнма-ён икки киши ўтирганди. Уларнинг суҳбати тўй мавзусига бурилди. Чунки биттаси яқинда ўғлини уйлантирган экан. Суҳбатдоши ундан «Ўттиз кишилик тўй қилдингизми?» деб сўради.

– Қаерда дейсиз, ўзбек ўттиз кишилик тўй қила олармиди? Фарзанду набираларимнинг ўзи ўттиздан ошади, – деб жавоб берди у.

– Унда нима қилдингиз?

– Нима қилардим, ўттиз киши-ўттиз кишидан қилиб меҳмонларимни ҳар хил пайтга айтдим ва 120 кишини меҳмон қилдим...

Ҳа, айрим юртдошларимизнинг янги тартибга ҳам кўнкулмаётганидан далолат бу.

Карантин... Йўқ, бу шунчаки тиббий карантин эмас, Оллоҳнинг инсонларга бир ишораси бўлди-ёв! Атрофга қарайлик, бироз тин олайлик! Турмуш ташвишлари билан бўлиб, фақат эртанинг гамини еб, ҳозирнинг ўзида, айна дамда яшашни, бугунки қадрлашни унутиб қўймадикимикини?!

Норбўта ҲОЗИЕВ,  
«Нидоқ»

## МАЪНАВИЙ МУАММОЛАРНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Хонқалик ёшлар Собиржон ва Рухсоранинг тўйи 2020 йил 24 мартда бўлиши керак эди, аммо пандемия туфайли қолдирилди. Республика махсус комиссиясининг қарорига кўра 1 июндан бошлаб «яшил» ҳудудларда бир қатор фаолият турлари қатори тўй ва маъракаларни ўтказишга рухсат берилгани ёшлар учун айна мударра бўлди.

12 июнь куни ёшларнинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди. 30 киши иштирокида ўтган тўйдан айнакча ёшларнинг ота-оналари мамнун.

– Икки йил аввал катта ўғлимизни уйлантиргандик. Келинга қилинган сарполар, қўда томонга юборилган совға-саломлардан ташқари фақат тўйнинг ўзига эллик миллион сўм атрофида пул сарфлаганимиз. Келин-куёв сайли, ёшларнинг банкети, келинсалоом, кечки базм... Хуллас, ўша кунни фақат ташвишда ўтказганимиз, келган-кетганларни муносиб қутиб олиб кузатиш, мулозамат қилиш билан тўйнинг қандай ўтганини ҳам билмаганимиз, – дейди йигитнинг отаси Рўзбой ака. – Ёнғи ёмони, анча қарзга ботганимиз. Тўйдан кўп ўтмай янги уйланган ўғлимизни хорижга ишга жўнатганимиз. Қарзларимизни яқинда тўлаб бўлдик.

Рўзбой ака бу тўйга сарфлаган маблағи беш миллион сўмга ҳам бормаганини айтади. Тўйга энг яқин кишиларини таклиф қилиб, вақтини улар билан гурунлашиб, хушчақчақ ўтказибди.

– Икки соатлик базмни деб бутун умр бошимиз қора меҳнатдан, қарздан чиқмасди. Қанча ноз-неъмат исроф бўларди, – дейди Қарима опа. – Тўйга деб йиғиб қўйган пулимиздан ортганига учта соғин сигир олдик. Ҳар куни 20 литр сут соғиб олаямиз. Бу ҳам оиламизга қўшимча даромад.

– Илгарилари тўйга борсам икки-уч кун қон босимим ошиб, бошим оғриб юрардим. Бу тўйда битта хонанда хизматда бўлди. У ҳам фонограммасиз, микрофонсиз қўшиқ айтди. Ёшлик чоғларимиздаги тўйларни ёдимизга солиб юборди, – дейди куёвнинг аммаси Холжон опа.

Дарҳақиқат, ихчам тўйдан кўпчилик мамнун бўлгани кўриниб турибди. Ҳатто ёшларнинг ўзлари ҳам.

– Тўйимиз уйда ўтганидан хафа эмасман, – дейди Собиржон. – Институтда шартнома бўйича ўқиганман. Ота-онам

бизни деб бутун умр меҳнатдан бошлари чиқмайди. Акамни уйлантириш, оламни турмушга беришинг ўзи бўлмаган. Нега йиллардан бери кўни-қўшнилardan, қариндошлардан қарзимиз тугамасди. Отам биринчи марта қарзсиз тўй қиламан деди. Биласиз, биз томонларда кечки базмдан олдин келин-куёвнинг дўстлари учун ресторанда алоҳида банкети бўларди. У камда беш-олти миллион сўмга тушади. Мен ойлигимдан банкети учун йиғиб юрган пулимга ота-онамни санаторийга юбормоқчиман.

Дарҳақиқат, пандемия бизни кўп нарсага ўргатди. Меҳр-оқибатли бўлишга, вақтнинг қадрига етишга, исрофгарчиликнинг олдини олишга. Тўйларимиз улкан ижтимоий муаммолардан бирига айлангани бор гап. Бир кунлик тўй учун умр бўйи боши қарздан чиқмайдиганлар кўп. Янги уйланган йигитларнинг ёшгина келинчакини ташлаб, хорижга ишга кетиши, қарзни тўлашимиз деб озиқ-овқатдан пулни яши оқибатида келинчақларда камқонлик кузатилиб, бу туғилаётган фарзандларнинг саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатаётган эди. Бир умр йиққан-терганингни бир кунда совирангугу эртага ёшлар ажрашиб кетса, ундан-да ёмон. Кўпчилик пандемия туфайли тўйларнинг уйда, 30 киши иштирокида ўтказилаётгани нафақат иқтисодий, балки маънавий муаммоларнинг ҳам олдини олишини эътироф қилмоқда. Чунки аксарият тўйларда дастурхонга беҳисоб спиртли ичимликлар тортилиши оқибатида ёшлар орасида ичкиликбозлик авж олиб бораётганиди. Тўйларнинг айримлари муштлашув билан тугаётганиди. 30 кишилик тўйларда дастурхонга спиртли ичимликлар умуман тортилмапти.

Яқинда бир дўстим ҳам ўғлини уйлантирди. Тўй учун 100 миллион сўм йиғиб қўлганини, нақ 90 миллион сўм ортиб қолганини айтди. Бу пулни ёшлар учун янги уй олишга сарфлаш нияти борлигини билдирди.

Уйлаймизми, тўйларни ихчам, камчиқим қилиб ўтказиш ҳаёт тарзимизга айланади. Шубҳасиз, бундан ҳамма фойда кўради.

Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ,  
«Нидоқ»





# ОРЗУ УШАЛДИ, ҲАВАС ЧЎНТАККА ҚОЛДИ



Давоми. Бошланиши 1-бетда

Тўйларимиздаги кимўзарлик, дабдабозлик, исрофгарчилик шу даражага бориб етдики, бу масалага Президентимиз ҳам аҳамият қаратиб, тўйларни ихчамлаштириш зарурлиги ҳақида бир неча бор, ўрни келганда жуда кескин фикрлар билдирди. 2017 йил 3 августда давлатимиз раҳбари ижодкор зиёлилар билан мулоқотда жумладан шундай деган эди: «Мана, ўзинглар кўраяспизлар, соппа-соғ юрган айрим одамлар элликка кирмасдан туриб тўсатдан инсулт бўлаяпти, инфаркт бўлаяпти. Сабабини суриштирсангиз, бошқалардан қолмасликка тиришиб, катта тўй қиламан деб қарзга ботган бўлади. Ҳали қарзидан қутулмасдан яна тўй қилиши керак...».

Нихоят 2019 йилнинг 14 сентябрь кунин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати кенгашларининг «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказиш тартиби тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди. Унга кўра тўй ва бошқа маросимларни ўтказишда маълум чеклов ва тартиблар ўрнатилди.

Ўша пайтда бу қарорни илқ қутиб олганлар ҳам, рад этишга уринган, инсон ҳуқуқлари топталаяпти деб иддао қилганлар ҳам бўлди. Аммо мушоҳада қилиб кўрсак, қарор билан инсон ҳуқуқлари чеклангани йўқ. Аслида тўй қилмоқчи бўлганларга бошқаларнинг ҳуқуқларини, тинчлигини бузма, қўчада тартибли ҳаракатлан, ортиқча дабдабозлик, исрофгарчилик қилма дейилди ҳолос.

Буни қарангки, вақти-соати келиб, замонанинг зайли билан нафақат 200 кишилик, балки ҳамма тўйлар умуман тўхтатилди. Бугун дунёга хавф солган пандемия туфайли 23 мартдан «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон фуқароларининг соғлигини ҳимоя қилиш мақсадида тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилиши бекор қилинди. Уларни фақат зарур ҳоллардагина ихчам, 10-15 киши иштирокида ўтказиш тавсия этилди. Бироқ шундан кейин ҳам мамлакатда тўй ва оилавий маросимлар уюштирганлар учради ва жавобгарликка тортилди, айримлар бундай тадбирларда коронавирус юктириб олгани аниқланди.

Шукурки, мамлакатда эпидемиоло-

гик вазият барқарорлашди ва Республика махсус комиссиясининг 30 майдаги қарори билан «яшил» тоифага киритилган ҳудудларда оилавий тантана, тўй, маърака ва маросимларни 30 кишидан кўп бўлмаган ҳолда ўтказишга рухсат берилди. Шунингдек, карантин даврида бундай тадбирларни ўтказиш тартибини бузган шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳам белгилаб қўйилди.

Хуллас, юқорида айтганимдек, биз ҳам тўйни камчиким, тартибли ҳолда тинчгина, чиройли ўтказиб олдик. Фотиҳа қилганимизда ҳали юртимизга коронавирус деган бало яқин йўламаган эди. Тўй кунин яқинлашгач, қудалар билан маслаҳатланиб, тадбирни оилавий ўтказишга қарор қилдик. Ортиқча гап-сўз бўлмади. Маҳалла фуқаролар йиғини раисидан йўл-йўригини сўраб-суриштириб, ҳаракатни бошладик. Келин томондан ўн нафар, кўёв томондан эса беш нафар, ҳаммаси бўлиб ўн беш киши қатнашди. Келинсалом ҳам, чаллари ҳам бўлмади.

Ўрни келганда, иқтисод қилинган харажат масаласига тўхталиб ўтсам: ресторани мутасаддилари билан бир кишига 120 минг сўмдан келишгандим. Демак, 200 киши учун 24 миллион сўм тўлашим керак эди. Тўйхона остонаси ҳамда келин-кўёвнинг атрофини безатиш учун 3 миллион сўм, дастурхонга қўйиладиган мевачева, қанд-курс ҳам тахминан 3 миллионга тушарди. Булардан ташқари, видео, суратчи, автомашиналар, карнай-сурнай, ашулачилар... Санайман деса рўйхат яна чўзилади. Энг қувонарлиси эса банкка бориб кредит олишдан қутулганимдан ташқари, режа қилиб қўйганимдай қарз сўраб ошна-оғайниларимнинг олдида юзим шувут бўлмади.

Худого шукур, бугун биз ҳам, қудаларимиз ҳам хурсанд. Айниқса, келинимизнинг бува-бувисининг ҳам қувончлари чексиз. Мамнун бўлиб, дуо қилиб ўтиришди...

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, гарчи коронавирус жамиятимизнинг кўплаб соҳаларига салбий таъсир қилган бўлса-да, ўзбек халқини «тўй балоси»дан қутқаришда жуда қўл келди. Бундай камчиким ва тартибли тўй ўтказиш анъанасини карантиндан кейин ҳам сақлаб қолиш фойдадан холи бўлмасди.

Гофуржон АЛИМОВ,  
«Нуқуқ»

## ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Халқимизда бир болага етти маҳалла ота-она деган нақл бор. Шундай экан, улғаяётган ҳар бир бола учун барчамиз бирдек масъулмиз.

Бу борада ҳарбий прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон ёшлар иттифонининг ҳудудий кенгашлари билан ҳамкорликда, ҳар бир вилоятнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда бир қатор тадбирлар, «Прокурор ва ёшлар» учрашувлари ташкил этилмоқда.

2020 йилнинг ўтган даврида ҳамкорликда 529 та тадбир ташкил этилиб, уларга 12 мингта яқин ёшлар, шу жумладан 8300 дан ортиқ 30 ёшгача бўлган ҳарбий хизматчилар жалб этилди. Оммавий ахборот воситаларида 227, шу жумладан ижтимоий тармоқлардаги расмий каналлар орқали 92 марта чиқиш қилинди.

Мисол учун, Бухоро ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан вилоят адлия бошқармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, банклар, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бандлик марказлари ҳамкорлигида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар билан «Юксак ҳуқуқий маданият – мамлакат тараққиётининг кафолати» мавзусида мулоқот ўтказилди, ёшларга мутахассислар томонидан замонавий бизнес юриштининг ҳуқуқий асослари (стартлар) ҳақида маълумот берилди.

Гулистон ҳарбий прокуратураси томонидан Сайхунобод тумани прокуратураси ва ҳокимлиги, Ёшлар итти-

фоқи туман кенгаши, мудофаа ишлари бўлими ва ҳарбий қисмлар қўмондонликлари билан ҳамкорликда ёшларни қизиқтирган масалалар ўрганилган ва Президентимизнинг беш муҳим ташаббуси доирасида санъат ва спорт мусобақалари ташкил этилиб, совриндорларга бадий китоблар ва бошқа совғалар топширилган.

Коронавирус пандемияси шароитида тадбирлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда он-лайн тарзда ўтказилиши йўлга қўйилди. Хусусан, 45 марта «Прокурор ва ёшлар» учрашуви ўтказилди ва уларда 2000 га яқин ёшлар, шу жумладан 800 дан ортиқ ёш ҳарбийлар видеоконференцалока орқали камраб олинди.

Мулоқотларда ёшлар ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш, ҳарбий

хизмат, ҳарбийлар учун жорий қилинган имтиёзлар ҳамда ўзларини қизиктирган бошқа саволларга атрофича жавоб олишмоқда. Масалан, июнь ойида Қарши ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Қарши тумани Хонобод кўрғониди ҳарбий шаҳарчада япончи ёшларнинг бандлигини таъминлаш имконияти ўрганилди ҳамда хусусий тадбиркор жалб қилинган ҳолда нон цехи ташкил этилиб, беш киши иш билан таъминланишига эришилди.

Ҳозир ҳудудий ҳарбий прокуратуралар санитария-гигиена қондаларига амал қилган ҳолда бундай тадбирларни жадал давом эттирмоқда.

Шаҳрух ПУЛАТОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий  
прокуратураси бўлим ҳарбий прокурори

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2020/2021 ўқув йили қабули учун ОТМларда касбий (ижодий) имтиҳонларни ташкил этиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилди.





## FAOLIYATIDAN

# МЕНГА БОЛА ЭМАС, ПУЛ КЕРАК!

Ҳаётда шундай инсонлар борки, бошқаларнинг боласини ҳам ўзининг фарзандидек вояга етказиб, жамиятга нафи тегадиган инсон қилиб тарбиялайди. Яна шундай аёллар борки, тирноққа зор, уларнинг юрагини фарзанд кўриш дарди азоблайди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Минг афсуски, гўдакни дунёга келтириб, уни катта қилиш, келажагига умид билан қараб тўғри тарбия бериш ўрнига кайфу сафога берилган аёллар ҳам учраб туради.

Кўшкўпир туманида яшовчи 23 ёшли К.Ш. мўмай даромад орттириш мақсадида икки яшар фарзанди учун яхши харидор топишга «бел боғлай-

ди». Таниш-билишлари орқали бойроқ харидор ҳам топади. Бола 7700 АҚШ долларига баҳоланади. Лекин ўз жигарини сотиб бойлик орттиришни кўзлаган аёлнинг нияти амалга ошмайди.

Бош прокуратура ҳузурдаги департаментнинг Урганч шаҳар бўлими ходимлари ўтказган тезкор тадбирда

кўшкўпирлик аёл боласини сотиб, 7700 долларни олаётган вақтида ашъвий далиллар билан ушланди. Унга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, тергов олиб борилмоқда.

**Гайратжон СУЛТОНОВ,**  
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи



## ҚУРИЛИШДАГИ ҚИНҒИРЛИКЛАР

Мақола аввалида Бухоро вилоятида бўлиб ўтган тўфон сабаб талофат кўрган уйлар, мактаб ва боғчаларни эсга оламиз...

Ижтимоий тармоқларда бу йўқотишларда бино ва иншоотлар қурилишида нафсини қондириш пайида бўлган инсонларнинг ҳам ҳиссаси йўқми деган саволлар, фикрлар, изоҳларни ўқиймиз. Зиёдулла Мустафоев 2004 йилдан буён Ромитан туманида давлат рўйхатидан ўтган «Зиё санъат» МЧЖ раҳбари лавозимида ишлайди. Ўз соҳасида ишнинг рафтини олганлардан.

Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузурдаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси Бухоро шаҳридаги вилоят юқумли касалликлар шифохонасининг 270 ўринли биносини мукаммал реконструкция қилиш бўйича ўтказган тендерда ғолиб бўлган З.Мустафоев буюртмачи билан 2018 йил 5 июль куни шартнома расмийлаштириб, енг шимариб ишга киришди.

Авалло буюртмачи томонидан реконструкция ишларини назорат қилиш учун тайинланган техник кузатувчи Амин Ҳамидов билан жинорий тил бириктириб олди.

Чунончи, шартномага асосан шифохонада 4 млрд. 686 млн. сўмлик таъмирлаш ишларини бажариш лозим эди. Аммо жинорий шериклар келишувига асосан жамият томонидан 4 млрд. 108 млн. 96 миңг сўмлик ишлар бажарилди. Энди далолатномани ўзлари истагандек тўлдириб фойда кўриш режасини силлиққина уддалаш қолган эди. Расмий ҳужжат ҳисобланган далолатномада 4 млрд. 659 млн. 492 миңг сўмлик иш бажарилди деб кўрсатишди. Шу орқали жами 577 млн. 903 миңг 900 сўмни талон-торож қилишди.

Айнан Лойиҳаларни бошқариш ва қурилишни техник кузатиш бўлими етакчи мутахассиснинг жиноятга шериклиги кўзичоққа қоровул қилиб қўйилган бўрини эслатмайдими сизга?

Суд ҳукмига биноан айбдор деб топилган З.Мустафоев 2 йил муддатга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолиш, А.Ҳамидовага 3 йил муддатга ойлик маошининг 30 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Жиноят жазосиз қолмайди. Етказилган зарар ундирилади. Бирок сифатсиз бажарилган ёки бажарилмай қолган ишлар тўғрисида кимлардир азият чекиши, ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Мана шуниси ёмон.

**Жаҳонгир ШОМУРОДОВ,**  
департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси суриштирувчиси

## ФИРИБ

Бугун тамагирлик ва фирибгарликка қарши кураш олиб борилаётганига қарамай нафсига қул бўлган айрим кимсалар бундан ўзларини тия олмаяпти. Қуйидаги воқеалар мисолида бунга яна бир бор амин бўлишингиз мумкин.

### ХИЗМАТГА ЮБОРИШНИНГ «ХИЗМАТИ»

Ўзбекистонни ҳимоя қилиш, ҳарбий хизматни ўташ ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Муддатли ҳарбий хизматга бориш учун белгиланган тартиб, энг аввало, муносиб йиғитларни саралаб олишга қаратилган. Аммо бундан ўз мақсади йўлида фойдаланаётганлар ҳам учраб туради.

Жумладан, департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Ўзбекистон тумани мудоффа ишлари бўлими чакирув бўлимаси бошлигининг катта ёрдамчиси А.И. фирибгарлик билан юқори лавозимда ишловчи танишлари орқали аризачи Ж.Э. ни 400 АҚШ доллари эвазига ҳарбий хизматга жўнатишни ваъда қилган ҳолда Фарғона шаҳар Хўжанд кўчасида ундан кимёвий ишлов берилган 200 долларни олган вақтида ушланган.

Мазкур фуқарога нисбатан кўзгатишган жиноят иши Фарғона ҳарбий суди томонидан кўриб чиқилиб, унга қилмишига яраша жазо тайинланди.

### СИМЁҒОЧЛАР ҚАНЧА ТУРАДИ?

Республикамининг барча ҳудудларидаги қурилиш, ободонлаштириш ишлари соҳага масъул ташкилотлар билан келишилган ҳолда муайян дастур ва режалар асосида амалга оширилмоқда.

Айрим фуқаролар ушбу дастурлардан ҳам ғараз мақсадда фойдаланиб қолишга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, О.У. В.Х.нинг ишончига кириб, Қўқон – Тошкент йўналишидаги автотураргоҳ ёнида жойлашган томорқасидан ўтказилиши режалаштирилган электр линияси симёғочини томорқаси ичига ўрнаттирмасликни танишлари орқали ҳал қилиб бериш учун ундан 200 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан олган вақтида департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси ходимлари томонидан ашъвий далиллар билан ушланди.

Фирибгарнинг ушбу қилмиши жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судида кўриб чиқилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

**Отабек АЗИМОВ,**  
департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси катта инспектори

## «ҚОРА БОЗОР»НИНГ ҚОРАСИ...

Департаментнинг Деҳқонobod тумани бўлими валюталарнинг ноқонуний савдосига қарши самарали иш олиб бормоқда.

Жумладан, фуқаро С.Ф.нинг аризаси бўйича тегишли органлар билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда Китоб туманида жойлашган «Китоб озик-овқат деҳқон бозори» МЧЖ ҳудудида фуқаро А.А. қонунга хилоф равишда 3100 АҚШ долларини 29 543 000 сўмга сотаётган вақтида ашъвий далиллар билан ушланди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз тумани судининг ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

**Ҳусниддин АМИРҚУЛОВ,**  
департаментнинг Деҳқонobod тумани бўлими бошлиғи

## ЎҚИШГА БОРМАСА-ДА, ДИПЛОМ БЕРМОҚЧИ ЭДИ...

Таълимдаги қолоқликнинг бош сабаби порохўрликдир. Пора билимсиз боланинг ўқишга кириб диплом олишига сабаб бўлади ва шу аснода чаласавод мутахассис етишиб чиқади.

Шунинг учун мамлакатимиз таълим тизимини такомиллаштириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ўқиш жараёнларининг шифофлигини таъминлаш, таълимдаги коррупциянинг олдини олишга ҳам астойдил киришилган. Аммо...

Пойтахтдаги Ўқув даволаш комплекси тиббиёт коллежида ўқитувчи бўлиб ишлаган Дилдора Ўрмонова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бировларнинг тақдирига бефарқ

инсонлардан экан. Бундай дейинимизнинг боиси шуки, у коллежга ўқишга кириб, дарсларга қатнашмаган ўқувчини диплом билан «сыйламоқчи» бўлди. Пул эвазига ўқувчи Дилора Тиллаеванинг камчиликларини ёпиб, ўқишни битирганлик ҳақидаги ҳужжатни қўлига тутқазмоқчи эди. Энди тасаввур қилинг, қўлида дипломи бор ҳамширага қайсидир шифо маскани ишонч билдириб ишга қабул қилар, аммо унга топширилган беморларнинг ҳоли не кечади?

Аваллига устозининг талабига

қўнган Д.Тиллаеванинг виждони уйғонди шеклиди, мазкур ҳолат ҳақида тегишли жойга ариза билан мурожаат қилди. Департаментнинг Юнусобод тумани бўлими ходимлари ўтказган тадбирда Д.Ўрмонова Д.Тиллаеванинг олти ой мобайнида қолдирган дарсларини «ёпиб», ўқишдан четлаштирмасликни ваъда қилиб, ундан 2 млн. 100 миңг сўм олган вақтида ашъвий далиллар билан ушланди.

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг ҳукми билан Д.Ўрмонова қилмишига яраша жавобгарликка тортилди.

**Жасурбек САТТАРОВ,**  
департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи





## ГАЗДАН «УРГАНЛАР»

Хуқуқлари кафолатланган, мажбуриятларини адо этиб ишлаётган, хусусан, фойдаланилган энергия ресурслари ҳақини ўз вақтида тўлаб борган тадбиркорлар фаолиятини кенгайтираётти, янги иш ўринлари яратиб баракка топаяпти. Бироқ айрим «ишбилармонлар» тармоқларга яширинча улаиб олган ҳолатлар ҳам аниқланмоқда.

Жорий йилнинг 2 май кунини бюронинг Кува-  
сой шаҳар бўлими тезкор ходимлари тунги  
рейд жараёнида Богбон кишлоғидаги «Муҳаммад  
Азизбек» МЧЖга қарашли оҳак пехини кўздан  
кечирилганда корхона раҳбари И.Д.нинг ўзини  
нотабиий тутиши шубҳа уйғотган. Бу бежиз эмас  
экан. Тадбирда табиий газ ҳисоблагичи механик  
қисмига сим орқали яширинча таъсир кўрсати-  
либ, тўхтатиб қўйилгани ва ёнигидан ноқонуний  
фойдаланиб келинаётгани аён бўлган. Керакли  
ҳужжатлар расмийлаштирилган. Ҳисоб-китоб-  
ларга кўра «ишбилармон» шаҳар газ таъминоти  
корхонасига 24 млн. 195 минг сўм зарар етказган.  
Ўн кун ичида ушбу зарар тўлик қопланиши таъ-  
минланди.

Шунингдек, бюронинг Фарғона вилояти бош-  
қармаси ва Кувасой шаҳар бўлими тезкор ходим-

лари Дўстлик кишлоғидаги «Bulding servis group»  
МЧЖга қарашли ғишт заводида табиий газдан  
фойдаланишнинг қонунийлигини ўрганишгани-  
да юқоридаги каби ҳолат фож этилган. Табиий  
газдан «бепоул» фойдаланиб келган завод раҳбари  
С.И. таъминотчи корхонага 44 млн. 800 минг сўм  
зарар етказган.

Тарғибот тадбирларида юқоридаги каби ми-  
соллар билан энергия ресурсларидан ноқонуний  
фойдаланишнинг оқибатларини тушунтириш,  
хуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида  
эътибор қаратилмоқда.

**Кахрамон ДЖАЛИЛОВ,**  
МИБ Фарғона вилояти бошқармаси  
бошлиғининг ўринбосари

## НАФСНИНГ ЙЎРИҒИ

Холбек Хонқулов (исм-фамилиялар  
ўзгартирилган) тўрт марта судланган. Аммо  
ўзига судланган деган тамғани ёпиштириб  
юришдан уялмайдиغانлар тоифасидан.

2016 йилда Бухоро тумани  
Дехмиёна кишлоғида пайдо  
бўлган, ўзини газ идораси на-  
зоратчиси деб таништирган  
Х.Хонқулов шу кишлоқда  
яшовчи Т.Қобиловнинг хонадо-  
нига кириб келди. Юзига жид-  
дий тус бериб ўзини назоратчи  
деб таништирди.

– Ўхў, қарзларингиз кўп-  
ку, – деди газ ҳисоблагичнинг  
кўрсаткичларига қараб...

– Энди, ака, ўзингиздан қо-  
лар гап йўқ. Рўзгор деганлари-  
дек...

– Ёрдам беришим мумкин...  
– деб ўзини хожатбарордек кўр-  
сатишга уринди сохта назорат-  
чи. – Юз доллар ва бир миллион  
сўм берасиз. Ўзим олиб бориб

тўлаб, компьютерга киритиб...  
ниши беш қилиб келаман.

Шу учрашувдан сўнг озгина  
пулни туман газ идорасига топ-  
ширган Холбек Т.Қобиловнинг  
896 минг сўм пулни ўзиники  
қилиб ими-жимиди кўздан ғой-  
ийиб бўлди.

Орадан уч йил ўтиб Х.Хон-  
қулов яна Дехмиёнага келди.  
Ўша таниш манзил. Содда-  
дий инсонлар. Бу гал ҳам газ  
ҳисоблагични кўриб ваҳимага  
тушди.

– Хўп десангиз ўз хохи-  
шингиз билан газни тармоқ-  
дан узинга розиман деб ёзиб  
беринг. Мен далолатнома ки-  
ламан. Бунинг устига ҳисоб-  
лагичингиз қиёсловдан ҳам

ўтказилмаган экан. Ҳаммасини  
жамлаб 100 доллар берсангиз  
бўлади, – деди кўзларини ола-  
зрак қилиб.

– Бўпти овора бўлиб юрмай-  
миз. Сизга раҳмат, ишимизни  
битириб берганингиз учун, –  
дея миннатдорчилик билдирди  
хонадон соҳиби.

Аммо эски бўлса-да мос  
нақли ишлатайлик: бузокнинг  
югургани сомонхонагача бўлди.

Хуқуқни муҳофаза қилиш  
идораси томонидан сири фож  
этилган «назоратчи» йиғит қо-  
нун олдида жавоб берди. Суд  
хукмига кўра унга иш ҳақининг  
20 фонзини давлат ҳисобига  
ушлаб қолиш шарти билан 3  
йил муддатга ахлоқ тузатиш  
ишлари жазоси тайинланди.

**Ғулум БЕШИМОВ,**  
МИБ Бухоро тумани бўлими  
бошлиғи

## МАЖБУРИЯТ УНУТИЛГАЧ...

Жамиятнинг ичидан кемирадиган иллатлардан бири оилавий ажримлардир.  
Ажрашишни ҳам ўзига яраша масъулияти бор. МИБ Навоий вилояти  
бошқармасида бугунги кунда алимент билан боғлиқ 9 мингдан зиёд  
ҳужжат ижрога қаратилган бўлиб, бу камида шунча оила дарз кетган  
дегандир. Яъни, булар орасида судгача бормаи, алимент тўлаётганлар  
ҳам бор.

Хозирга қадар ҳақдорларга 1 миллиард сўмдан  
зиёд алимент ундириб берилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Кармана ту-  
манларо судининг 2018 йил 23 августдаги  
ижро ҳужжатига асосан Жамолиддин Шоди-  
евдан (исм-фамилияси ўзгартирилган) вояга  
етмаган икки фарзандининг моддий таъмино-  
ти учун ойлик даромадининг 1/3 қисми миқ-  
дориди алимент ундириш белгиланган бўл-  
са-да, у 2018 йилнинг 20 августидан 2020 йил  
20 апрелга қадар алимент тўлашдан бўйин  
товлагани оқибатида 9 683 659 сўм қарз бўлиб  
қолган.

Шу каби фуқаролик ишлари бўйича Кармана  
туманларо судининг 2014 йил 11 августдаги  
ижро ҳужжатига асосан Убайдулло Салимов воя-  
га етмаган фарзанди учун ойлик даромадининг

чорак қисми миқдориди алимент тўлаши керак  
эди. Лекин бу масъулиятсиз ота ҳам 2020 йилнинг  
1 январидан 1 апрелига қадар 1 976 553 сўм али-  
ментни тўламаган.

Иккала отанинг бу қилмиши натижасида фар-  
зандлари қийналиб қолган.

Туман маъмурий судининг қарорига асосан  
масъулиятсиз оталарга нисбатан 15 суткадан маъ-  
мурий қамоқ жазоси тайинланди.

Шу ўринда баъзи оталарнинг алимент тўлаш-  
дан бўйин товлаши кишини ўйлантиради. Фар-  
занд худонинг неъматини. Инсон ношукур бўлма-  
слиги керак.

**Шохрух УЗАКОВ,**  
МИБ Навоий вилояти бошқармаси катта инспектори

## ТЎЛОВ ОЛДИНДАН КАФОЛАТЛАНДИ

Мажбурий ижро бюросининг Сурхондарё  
вилояти бошқармаси ва унинг ҳудудий  
бўлимларида алимент билан боғлиқ  
иккита ижро ҳужжати муддатидан олдин  
туғатилди. Чунки ҳозирги карантин даврида  
уйда қолаётган фарзандларининг моддий  
таъминотига бефарқ бўлмаган оталар алимент  
пулини олдиндан тўлаб берди.

Денов туманида яшовчи Х.Ёрова суд қарорига асосан 2019 йил  
18 июлдан бошлаб фарзандининг моддий таъминоти учун али-  
мент оларди. Собик турмуш ўртоғи алиментни олдиндан тўлаб бе-  
ришини билдириб, давлат ижросисини ҳисоблаб берган 142 миллион  
сўм пулни Х.Ёровага тилхат асосида топширди.

Худди шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича Денов туманла-  
раро судининг қарорига асосан М.Соатов ва фарзанди учун али-  
мент олар эди. Унинг собик турмуш ўртоғи фарзанди вояга етгунга  
қадар тўлаши керак бўлган 68 миллион сўм пулни олдиндан тўлаб  
берди.

МИБ Шўрчи тумани бўлимида юритилган мажбурий ижро ҳуж-  
жатлари «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро  
этиш тўғрисида»ги қонунга асосан туғатилди.

**Дадаҳон НАЗАРОВ,**  
МИБ Бандихон тумани бўлими давлат ижросисини

## ҚИНҒИРЛИК ФОШ ЭТИЛДИ

Юртимизда ҳалол меҳнати билан обрў  
қозонган тадбиркорлар кўп. Лекин яратиб  
берилган шaroитлардан тўғри фойдаланиб  
давлатимиз ривожига ҳисса қўшиш ўрнига  
халқ мулкига хиёнат қилаётганлари ҳам йўқ  
эмас.

Ўтказилган тадбирлар давомида МИБ Нурафшон шаҳар бўлими  
ҳодимлари Ёшлик кўчасида яшовчи Ж.Маражапов хонадони-  
даги газ ҳисоблагичи кўрсаткичнини ўзбошимчалик билан орқага  
айлантириб, табиий газдан қонунга хилоф равишда фойдаланиб  
келаётганини аниқлаган. Бу билан хонадон эгаси давлатга 2 млн.  
сўмдан ортиқ зарар етказган. Унга нисбатан 2 230 000 сўм жарима  
солинди.

Жарима тўлаш ҳеч кимга ҳам ёқмайди. Аммо оқибатини ўйлаб,  
инсоф билан иш қилинганда бундай кўнгилсизлик содир бўлмас  
эди.

**Музаффар УМАРОВ,**  
МИБ Нурафшон шаҳар бўлими бошлиғининг ўринбосари

## ҚАРЗИНИ ТЎЛАДИ

Мажбурий ижро бюросининг Андижон  
вилояти бошқармаси ва унинг ҳудудий  
бўлимлари томонидан ижро ҳаракатлари  
олиб борилмоқда.



Андижон шаҳар давлат со-  
лик инспекциясининг 2020  
йил 14 апрелдаги солиқ маж-  
буриятига эга шахснинг мулк  
ҳисобидан солиқни ундириш  
тўғрисидаги қарорига асосан  
«Andijon atek» МЧЖдан 81  
млн. 165 минг 44 сўм солиқ қар-  
зи ундирилиши белгиланган.

Қонун талаби тушунтирил-  
гач, мазкур жамият солиқ қар-  
зини тўлик тўлади.

**Зохид ХУРМАМАТОВ,**  
МИБ Андижон шаҳар бўлими  
давлат ижросисини



# НОБАКОР НАБИРА



**Ҳаётнинг синовлари оғир. Бу машаққатларни матонат билан енгиб ўтганларгина тақдирланишга лойиқ. Шу сўзлардан кейин ҳаёлингизга дарров рўзгор камчиликлари, оила муаммолари келган бўлиши турган гап. Лекин шундай одамлар борки, улар биз юқорида айтган қийинчиликларнинг ўндан бирини ҳам кўрмай йўлдан адашган. Қизик, уларни «йўлдан адашган» деб қайсибир маънода ҳимоя ҳам қилиб қўймаймизми?! Кейин вояга етмаган мактаб ўқувчиси ҳақида гап борса, айбни оиладаги муҳитнинг ночорлигидан ахтарамизми ёки мактабдаги таълим сифатидан?.. Мактаб психологи тажрибасиздир балки?! Ёки синф раҳбари ўқувчи билан етарли иш олиб бормаган чиқар?! Хуллас, эндигина мўлабига сабза ураётган йигитчанинг қўли қонга ботди ахир! Яна денг, ўз бувисининг қонига!..**

\*\*\*

Қишнинг биринчи оғи тугаб бораётган палла... Одатда шу маҳалдан кишики чилла даври бошланади. Ҳатто куз изгиринлари-ю кишининг қаҳридан азият чекаётган дарахтлар ҳам чилла дарагидан янада мунгайиб қолган. Бир қарасанг, қушлар ҳам мажолсиз қанот кокаётгандек...

Зариф (исм-фамилиялар ўзгартirilган) Наманган шаҳридаги мактаблардан бирининг 10-синф ўқувчиси. Бугун қаламга олинажак фожияни эндигина 15 ёшда қаршилаган ўсмир содир этганига дафъатан ишонмайди киши. Бироқ далиллар, гувоҳларнинг инкор этиб бўлмас сўзлари, ўзининг иккори...

Ота катта қизининг тўйи ғамида Россияга пул ишлагани кетган, оила ташвишидаги она шаҳардаги кафелардан бирида идиш ювиб пул топиш, бола-чака бокиш кўйида юрганида Зариф бутунлай назоратсиз қолди. Ҳеч ким юриш-туришини назорат қилмади, орзу-ўйлари билан қизиқмади. Аслида у болаликданок эйтибордан четда бўлган десак ҳам ёлгон бўлмас. Чунки на ўқиш-ёзишга, на бир фойдали машғулотга қизиқиши йўқлиги шундан дарак.

Ҳайтовар, орада бир муддат дарсдан кейин ёки мактабга бормаган қушлари кафеда онасига ёрдамлашиб юрди. Бунинг учун хўжайин унга ҳам беш-ўн сўм хизмат хақи берарди.

Шундай қушларнинг бирида Зариф ноқўрлик қилди. Аввалдан тузиб юрган режасига кўра кечки пайт ҳамма кетгач, кафедаги кузатув камераларини ўчириб қўйиб,

бир четда турган сейфни ўғирлаб кетди.

Эртаси кун ҳамма ёқни ИИБ ходимлари босди.

Зариф тезда айбини бўйнига ола қолди. Сабаби, сейфни ўғирлаб кетгани билан очолмаган, қолаверса, барча гумонлар унга бориб тақалаётганди...

Ўшанда вояга етмаганлиги инобатга олинди. Унга нисбатан жиноят иши кўзгатилмади. Бироқ гарданига катталар назоратида юриб, дарсларни қолдиришмаслик, тўғри йўлга тушиб олиш мажбурияти юкланди. Қаровсиз бола бу мажбуриятни бажаради дейсизми? Аксинча, у жазоланмай қолганидан кейин «Биров мушугимни пишт деёлмайди» деган ҳаёлга бордини, ўзини бутунлай бошқача тутадиган, на онасининг, на мактабдаги муаллимларининг айтганига қулоқ соладиган бўлди. Мунтазам дарсларга қатнашмаслиги важидан синф раҳбари бир неча марта уйига келди, онасининг олдида уни тартибга қайтарди. Мактаб психологи неча бор суҳбат ўтказди. Ҳеч бири фойда бермади. Зариф бир-икки кун мактабга борса, хафталаб қорасини кўрсатмади.

Бу каби бетайин ҳаёт тарзи охири боши берк кўчага олиб кириши тайин эди. Шундай бўлди ҳам...

2020 йил қириб келишига санокли кунлар қолган. Юқори синф ўқувчилари устозларидан яширинча янги йил байрами уюштириш ҳаракатида. Зарифнинг ўртоқлари ҳам ўтиришга икки юз минг сўмдан пул йиғиш ҳақида маслаҳат қила бошлагач, унинг ҳаёли чуваллашиб кетди.

Отаси узокда, онаси сўрагани билан пул бермайди, топганига зўрга рўзгор тейратаяпти ўзи. Қандай қилиб пул топса экан? У ўйлай-ўйлай амакиси кеча бувиси ётадиган хонадаги сейфга бир даста пул қўётганини эслади.

Зарифнинг бувиси Маърифат ая бир неча йил мактабда ўқитувчилик қилиб пенсияга чиққан, ҳозир кичик ўғли билан бирга яшарди. Зарифнинг оиласи улар билан қўшни эди, ота ҳовли икки ўғилга тенг тақсимланганди.

Ҳар икки ҳовлидагилар бир-бириникига ҳеч тортинмай кириб чиқиши оддий ҳол бўлгани боис биров бировдан шубҳаланмас, шунданми, Зарифнинг кўп вақти бувисиникида ўтарди. Ана шу ҳолат Зарифга кўл келди.

Бир кун олдин ҳам бувиси билан кечки овқатни бирга ейишди. Бу орада устачилик билан шугулланувчи амакиси бир даста пул кўтариб келиб, шифа ёнидаги сейфга солиб қўйди. Зариф яхши билади, бу сейфда бувиси ва янгасининг тила тақинчоқлари ва оиланинг пуллари сақланади.

Шу тобда ўша манзара кўз олдида келди-ю, бирдан фикри бузилди. Опаси билан нуношга қилгач, янгаси ва жиянларини чапгитиб, бувиси билан ёлғиз қолиш йўллари ахтара бошладди. Эрталаб кўрган: амакиси ишга кетган.

Пешинга қадар ҳар икки ҳовлида ҳам одам тинмади. Гоҳ амакисининг катта қизи, гоҳ бувиси кенжа набирасини кўтариб уларникига бир неча марта чиқишди. Янгаси ҳам ҳовлида узок қуймаланди.

Зариф бундан сиқилар, бироқ қулай пайт келишини кутишга мажбур эди.

Ниҳоят янгаси икки-уч яшар боласини ухлатиш ниятида уйига кириб кетди. Опаси эса амакисининг катта қизи билан овқат қилишга уйнашди. Зариф қараса, ҳар икки ҳовли ҳам жим-жит бўлиб қолди.

Хонага кириб борганида бувиси жойнамош устида ўтирарди. Зариф биров каловлашиб турди. Сўнг кимдир кириб қолишдан қўриқиб, аввалдан тайёрлаб қўйган тешани олди-ю, бувисининг ортидан бориб бошига ураверди...

Тўққиз-ўн зарбадан кейин нобакор набира атрофга сачраган қондан биров сесканиб, ўзига келгандек бўлди. Бироқ унинг қалбини аллақачон ёвузлик эгаллаб улгурган, бу нарсаларга эйтибор қараганидан аҳволда эмасди. Шу тобда хона четидан турган сейфни олиб чиқиб кетиш ва ичиданги пулни олиш ҳақида ўйларди ҳолос. Шунинг учун шоша-пиша сейфни кўтариб, девор оша ҳовлининг адоғидаги кўчага отди. Кейин дарвозадан чиқиб, уни кўздан панарок жойга олиб ўтиб очинишга уринди. Уддалай олмагач, устига ғиламча ташлаб қўйди. Гўё шу билан барча кирдикорларини яширди-қўйди...

Бу паллада икки набиранинг тушлик овқати пишди. Улардан бири бувисини чақириб ушун хонасига кирди-ю, қонга беланганча юзубан ётган аёлни кўриб даҳшатдан қичқириб юборди...

Бир зумда атрофни қий-чув босди. Зариф аввалига бу ердан жуфтаник ростлаб қолмоқчи эди-ю, ундан шубҳаланиб қолишларидан қўчиб қариндошлари орасида ҳеч нимадан беҳабар одамдек юрверди. Бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари келгач, олиб борилган суриштирувлар натижасида қотилликни у қилгани аён бўлди...

Ушбу жиноят тафсилотини эшитганлар наҳотки дея ёқа ушлади. Афсуски, бу хақиқат эди.

Яна юқоридаги мулоҳазаларга қайтамиз. Бу ерда ким айбдор? Ўзи билан ўзи овера ота-онами, мактаб жамоаси ёки маҳалла аҳлими? Балки участка инспектори жиноятга мойил ўсиришини бу йўлдан қайтариш чорасини кўрмагандир?

Хулосани ўзингизга қолдирдик. Фарзандни назоратсиз қолдириш нималарга олиб келишини ана бир бор кўз олдингизга келтириб сесканиб бўлсангиз, ҳозирок ишга киришинг. Фарзандингиз айни пайтда қаерда, нима билан машғул? Вақт кетди!

**Шаҳзодбек МАМАРАҲИМОВ,**  
Наманган вилояти прокуратураси бўлим  
АМИБ катта терговчиси  
**Нилуфар НИЁЗОВА,**  
«Нур»

## JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

### ПУЛ ИШҚИДА КУЙДИ

Фуқаро Шараф Ембергенов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) бундан бир неча йил илгари икки марта фирибгарлик жиноятига қўл уриб, амнистия туйфайли жазодан озод қилинган эди. Аммо у бундан хулоса чиқармаган кўринади.

Ш.Ембергенов 2019 йилнинг август ойида Қорақалпоғистон Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимига меҳнат ҳуқуқи инспектори лавозимига ишга жойлашди. Энди у меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш мақсадида қорхона ва ташкилотларда текшириш ўтказиш, қонунни бузганларга белгиланган тартибда жарима солиш ва бошқа ваколатларга эга шахс ҳисобланарди.

Табиики, мазкур ваколатларга эга шахс, аввало, ўзига билдирилган ишонччи оқлаши, вазифасига ҳалол ва виждонан муносабатда бўлиши шарт эди. Лекин қаҳрамонимиз бунинг тескарисини қилди.

Ш.Ембергенов 2020 йил февраль ойида ҳамкасби С.Айбергенова билан бирга вазирлик тошпирнига биноан тиббиёт муассасаларининг бирида меҳнатта оид қонун ҳужжатларининг бажарилиши юзасидан текшириш ўтказди. Унда муассасанинг расмий ҳужжатларида айрим камчиликлар аниқланди. Ш.Ембергенов ана шу камчиликларни маълумотиюмага киритиш ўрнига, вазиятдан фойдаланишни мақсад қилади. Яъни, мазкур муассаса мансабдорларининг биридан аниқланган камчиликларни ҳужжатда қайд этмаслик эвазига 2 млн. 500 минг сўм пул талаб қилади.

Қизғи шундаки, бу орада Ш.Ембергеновни туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази бошлиғи қақир-

триб, буйруқ бўйича асосий иш жойига қайтиб ишлашини айтади. Аммо республикамизнинг олис туманларининг бирида ишлашни хохламаган инспектор ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзади ва эртасига лавозимидан озод этилади.

Демак, Ш.Ембергенов ўз хоҳиши билан ишдан кетди. Бироқ бундан аввал текшириш ўтказган муассасадан талаб қилинган пул унга бу идорадаги сўнги имкониятдек кўринади. У пул ишқиди тиббиёт муассасасига ёлғиз боради ва ўзининг ишдан бўшганини аширган ҳолда фирибгарлик жиноятини охирига етказишга уринади...

Яхшиямки, бу вақтида тиббий муассасада меҳнатта оид қонун ҳужжатларига амал қилинишига масъул ходимлардан бири Ш.Ембергеновнинг қонунга зид талаби ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига мурожаат қилиб улгурган эди. Шу боис ҳуқуқ-тартибот идоралари ўтказган тезкор тадбирда Ш.Ембергенов жиноят устида қўлга олинди ва суд ҳукмига кўра қонуний жазого тортилди.

**Женис УСНАТДИНОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим прокурори





**Юртимизда қонунийликни мустақамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Раиса Мухамеддинова табаррук 70 ёшни қарши олмақда.**

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни

муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида эътибор қозонди.

Шоғирдлари уни касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий ва меҳрибон устоз сифатида қадрлашади.

Раиса Мухамеддинованинг узоқ йиллик самарали меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Хурматли Раиса Султоновна, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сийҳат-саломатлик, узоқ умр, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази

## МАСЪУЛИЯТЛИ ОТАЛАР

**Ўзбекистон ҳукуматининг 2018 йил 6 октябрдаги 808-қарори билан тасдиқланган «Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисида»ги низомининг 9-бадида алиментларни бола вояга еттунга қадар ҳар қандай давр учун олдиндан тўлаш мумкинлиги кўрсатилган.**

Бюронинг Чортоқ тумани бўлими иш юритувида бўлган, фуқаролик ишлари бўйича Янгикўрғон туманлараро судининг 2001 йил 1 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра, Ҳ.Пўлатовнинг К.Зокировага фарзанди учун ҳар ойда барча даромадининг чорак қисми миқдорда алимент тўлаши белгиланган.

У билан олиб борилган тушунтиришлар самара бериб, ота фарзанди вояга еттунига қадар тўлаши керак бўлган 13 млн. сўм пулни олдиндан тўлаб берди. Ижро иши тамомланди.

Фуқаролик ишлари бўйича Янгикўрғон туманлараро судининг 2020 йил 9 январдаги буйруғига асосан А.Бозоровдан даъвогар С.Қўлматовга алимент ундириш белгиланган. Қарздор отага карантин даврида ҳам фарзанди учун алимент тўлаб бориши тушунтирилди. Масъулиятни англаган ота 7 млн. сўм тўлаб берди.

Асосийси, бу мажбуриятни виждонан бажарган оталар фарзандларининг тақдирига бефарқ эмаслигидан далолатдир.



**Қобилбек ҲАЙДАРОВ,**  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
МИБ бошқарма бош инспектори

## КОРХОНАЛАР ҲИСОБИГА 4,5 МИЛЛИАРД

Карантин давом этаётган бир пайтда МИБ органлари масофадан туриб суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Масалан, МИБ Мирзо Улуғбек тумани бўлимида Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2019 йил 11 июндаги ижро варақасига кўра «Contact inform group» МЧЖдан 15 та корхонага жами 4 млрд. 535 млн. 95 минг 856 сўм 47 тиён ундириш бўйича иш юритилган.

Мазкур ижро ҳужжатлари Юзасидан ижро иши юртишни кўзгагиш тўғрисидаги қарор қабул қилиниб, ушбу қарорлар қарздор корхонага бажариш учун, ундирувчи корхоналарга маълумот учун юборилган. Жамият қарзини ихтиёрли равишда тўлаш учун берилган муддатда тўламагани боис унинг банкдаги ҳисобрақамларига банд солинган. Бундан ташқари, 2020 йилнинг 7 январь кунини жамиятга тегишли, Сергели тумани Сергели-6 мавзесида жойлашган кўчмас мулк ҳам хатланган. Мазкур мулк 5 млрд. 601 млн. 314 минг сўмга баҳолалиб, 29 январда «e-auction» дастурига киритилган. Аммо аукционда сотилмагани сабабли мажбурий ижро

ҳаракатлари давом эттирилиб, 2 март кунини жамиятга тегишли 6 та махсус техника ва авто-транспорт хатланган. Шунингдек, қарздордан 10 май кунини бўлимининг депозит ҳисобрақамига 1 млрд. 20 млн. 134 минг 362 сўм 19 тиён ундирилган. Мазкур пул 25 май кунини ундирувчиларининг ҳисобрақамларига «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 80-моддасига асосан тақсимланган. Карантин даврида олиб борилган ижро ҳаракатлари натижасида қарз тўлик ундириб берилди.

**Музаффар МАСЛАНОВ,**  
МИБ Мирзо Улуғбек тумани  
бўлими бошлигининг ўринбосари

## JINOYAT VA JAZO


# ДРОН УЧИРГАН ШОВВОЗЛАР

Айни вақтда дунёда учувчисиз бошқариладиган қурилма – дронлардан фойдаланиш оммалашиб кетди. Улар фақат шоуларда эмас, балки туризм, тиббиёт, ўт ўчириш, ҳарбий, кончилик соҳаларида ҳам қўл келмоқда. Бироқ орамизда дронлардан ноҳўя ишларда фойдаланган шахслар ҳам учради. Шунинг учун ҳозир улардан фойдаланиш қонун билан тартибга солинган.

Сенатнинг 2019 йил февраль ойда бўлиб ўтган ялпи мажлисида Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистонга олиб кириш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Бу ҳақидаги қонун ўша йилнинг май ойда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланди. Мазкур қонун эълон қилинган кундан эътиборан олти ойдан сўнг, яъни 2019 йил 3 ноябрь кунини кучга кирган бўлса-да, айни вақтда фуқаролар дронлардан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларни содир этмоқда.

Фуқаро Ботир Исмагуллаев Тошкент шаҳридаги Янгубод буюм бозоридан 2 млн. сўмга сотиб олган учувчисиз учиш қурилмаси ортидан жавобгарликка тортилмаслиги мумкин эди. Агар у қурилмадан қонуний фойдаланганида... Аммо у билганидан қолмади. Унинг ўзбошимчилиги яна бир фуқаронинг қонун олдида жавоб беришига сабаб бўлди.

Б.Исмагуллаев 2020 йилнинг бошида таниши Дониёрбек Мамаражабов билан дрон орқали пул ишлашнинг режалаштирилади ва мижоз қидиради. Кўп ўтмай уларнинг қилмишидан ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси ходимлари хабар топилди. Мазкур



маълумот асосида ўтказилган тадбирда пойтахтдаги «Пастернак» кафеси атрофида Б.Исмагуллаев ва Д.Мамаражабов келишувга асосан дрондан фойдаланиб фото ва видеотасвирга тушираётган пайтда ушланди.

Тергов жараёнида улар дрондан фойдаланиш учун рухсатномага эга эмаслиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгагилиб, уларга суд ҳукми билан жарима солинди.

**Шерзод ШОДМОНОВ,**  
Тошкент шаҳри аэропортларида ХТБ тергов бўлими катта терговчиси

## HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

**Jahongir MAKSUMOV**

TAHRIR HAYATI:

Erkin YULDASHEV  
Halim BOLTAYEV  
Sodiqjon NAZAROV  
Hayot SHAMSUTDINOV  
Utkirjon QEXKANOV  
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIRIYAT  
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo  
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85

[www.huquq.uz](http://www.huquq.uz)

[info@huquq.uz](mailto:info@huquq.uz)

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

Ⓜ – tijorat materiali.

Buyurtma v-4188.  
19 930 nusxada bosildi.  
Oq'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatdagi muharrir: K.KASQAROV  
Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

**Nashr ko'rsatkichi 231**

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonalar manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yl 12-oktabrda O188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

9 772010 761004

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Республика Ҳарбий прокуратураси бўлим Ҳарбий прокурори Ойбек Шариповга волидан муҳтарамаси **Мирра ШАРИПОВА**нинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Бош прокуратура ҳузуридаги департамент жамоаси Департамент бўлим бошлиғи Равшан Ҳамроқуллова волидан муҳтарамаси **Мавжудахон ҲАМРОҚУЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.



# МОҲИР УСТОЗ, МЕҲРИБОН ОНА



Инсон борки, хамиша фаровон ҳаётга интилиб яшайди. Албатта, бундай орзуга ҳақолат меҳнат орқасидан эришишнинг гашти бошқача. Азалдан мунис, меҳнатсевар ва изланувчан опа-сингилларимиз ўз фаолияти билан барчамизга ибрат бўлиб келган. Ана шундай аёллардан бири, 38 йилдан буён прокуратура идораларида самарали меҳнат қилиб келаётган Мухтарам опа Раджапова кутлуг 60 ёшга қаршилади.

Меҳнатдан ҳеч толмайдиган, оиласи ва фарзандлари учун олиб-югурадиган

бу аёл ўз фаолиятини 1982 йилда Янгийўл шаҳар прокуратурасида иш ўрганувчиликдан бошлади.

Аёнки, инсон учун яхши мутахассис бўлишдан ташқари, яхши хулқ соҳиб бўлиш ҳам муҳим. Мухтарам Раджаповадаги ишчанлик, ўзига нисбатан талабчанлик, хушмуомалалик, фазилатлари унинг мартабасини юксалтирди.

У Қибрай тумани прокурорининг ёрдамчиси, Тошкент вилояти прокурорининг ёрдамчиси, Олмалик шаҳар прокурорининг ўринбосари, Тошкент

шаҳар прокуратурасида катта терговчи, бўлим бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи, Чилонзор тумани прокурорининг катта ёрдамчиси, Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курсларининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш кафедраси катта ўқитувчиси лавозимларида фаолият юритди.

2018 йилдан буён Бош прокуратура академиясининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш кафедраси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Мухтарам Раджапова барча суд йўналишлари бўйича ўқув дастурларини тузиш, ходимларни ўқитиш, малакасини ошириш, прокуратура органларини илмий-методик таъминлаш ишларида ҳам фалол қатнашмоқда. Кўпгина ўқув-амалий қўлланмалар тайёрлади.

Ҳозир у «Жиноят суд процессида прокурор функцияси ва ваколатларини такомиллаштириш масалалари, миллий ва хорижий таъриба» мавзусида фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун изланиш олиб бормоқда. Унинг «Прокурорнинг суддаги иштироки» номли монографияси чоп этилди.

Мухтарам Раджапова ходимларнинг малакасини оширишда вебинар шаклидаги семинар-тренинглardan фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Мухтарам Раджапованинг кўп йиллик меҳнати муносиб баҳолалиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра «Шухрат» медали билан мукофотланган. Шунингдек, у «Ўзбекистон прокуратурасига 25 йил» кўкрак нишони, «Алия катта маслаҳатчиси» унвони билан тақдирланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-кизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан таъсис этилган «Мўътабар аёл» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Мухтарам Раджапова Академияда прокуратура органлари ходимларнинг малакасини ошириш ва раҳбар кадрларни тайёрлашга ўзининг муносиб ҳиссасини кўшиб келмоқда. Ўқув жараёнида замонавий инновацион технологияларни қўллади.

У кўп йиллик таърибага эга бўлган ходим, малакали мутахассис (сифатли) хизмат бурчини бажаришга сиккидилдан ёндашади.

Мухтарам опанинг гўзал қалби оиласига ҳам кўрк бағишлаган. Умр йўлдоши Миродиқ ака билан икки қизни воёга етказишди. Иккаласи ҳам ўқимшли, уйли-жойли. Кизлар ҳуқуқшуносликни – она касбини танлашди. Тунгич қизи Моҳинабону нотариусда ишлади. Кичик қизи Зубайдаҳои эва прокуратура ходими.

– Оиламдан ҳам, фарзандларимдан ҳам кўнглим тўқ, – дейди Мухтарам опа мамнуният билан. – Сабаби, кизларим ҳеч қон корани оқ, ҳақни ноҳақ демасди. Уларнинг бахтли турмушидан отаси иккаламизнинг қувончимиз чексиз. Худо хоҳласа, яқин орада набиралар ҳам бўлави.

Хурматли Мухтарам опа, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Фарзандларингиз, шогирдларингиз бахтига соғомон бўлинг! Аллоҳ умрингизга барака берсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси жамоаси

## SPORT

# «8 ФИНАЛ» ФОРМАТИ

УЕФА еврокубокларнинг кейинги қисмини қандай тартибда ўтказиш бўйича якуний қарорга келган.

«Европа чемпионлар лигаси «8 финал» форматида Лиссабонда (Португалия) ўтказилади», – деб хабар қилди Италиянинг «Sky Sport» телеканали. Яъни, кейинги босқичлар бир ўйиндан иборат бўлиб, жамоалар етти-саккиз кунда битта ўйин ўтказиши режалаштирилган. Учрашувлар «Бенфика» ва «Спортинг» клубларининг стадионларида ўтказилади.

Европа лигаси мусобақаси эса худди шу тарихда Германияда ўтказилса, Европа суперкубоги учун ўйин Будапештда (Венгрия) бўлади. Шунингдек, авеллар ўртасидаги ЕЧЛга Испания мезбонлик қилиши белгиланган. 2020 йилнинг 17 июнь куни УЕФА ижрокўмининг йиғилиши бўлиб ўтади ва унда Европа чемпионлар лигаси ва Европа лигасининг жорий мавсумдаги қолган қисми формати тасдиқланади.

## Чемпионлар лигаси

«Атлетико», ПСЖ, «Аталанта» ва «Лейпциг» клублари чорак финал йўлланмасини қўлга киритиб бўлган. «Барселона», «Наполи» (биринчи ўйин – 1:1), «Манчестер Сити» – «Реал» (2:1), «Бавария» – «Челси» (3:0) ва «Ювентус» – «Лион» (0:1) жуфтликларида эса жавоб ўйинлари ўтказилиши керак. Улар 6-7 август кунлари аввал режалаштирилганидек Барселона, Манчестер, Мюнхен ва Турин шаҳарларида ўтказилади.

Чорак финалдан бошлаб барча ўйинлар Лиссабон шаҳрида ўтказилади. 12 августдан 15 августга қадар ҳар куни биттадан чорак финал учрашуви бўлиб ўтади.

18-19 август кунлари ярим финал баҳслари белгиланган. Финал эса 23 августга режалаштирилмоқда. УЕФА чорак финал ва ярим финал ўйинларига июль ойида қўрға ташлайди.

## Европа лигаси

Европа лигаси мусобақасида вазият мураккаброқ. Турнирнинг нимчорак финал босқичи доирасида иккита жуфтликда ҳатто дастлабки ўйинлар ҳам ўтказилмаган. «Sky Sport»га кўра, «Интер» – «Хетафе» ва «Рома» – «Севилья» жуфтликларининг голиблари Германиядаги нейтрал майдонда ўтказиладиган битта ўйинда аниқланади. Қолган жуфтликлардаги жавоб баҳслари аввалдан режалаштирилган шаҳарларда ўтказилади.

Саккиз финал 10-21 август кунлари Германиянинг Дуйсбург, Гельзенкирхен, Дюссельдорф ва Кёльн шаҳарлари мезбонлик қиладиган чорак финал, ярим финал ва финал учрашувларида иштирок этиши керак. Европа лигаси финали 21 август куни Кёльнда ўтказилиши кутилмоқда.

Чорак финал баҳслари 10-11 август, ярим финал ўйинлари эса 16-17 август кунлари бўлиб ўтади. УЕФА суперкубоги 24 сентябрь куни Будапештда ўтказилади.

Россия премьер-лигасида Ўзбекистон футбол тарбияланувчилари Элдор Шомуродов ва Остон Ҳуруновнинг муваффақиятли ўйинларидан кейин рус клубларининг миллий чемпионатимизга қизиқиши ортиб бормоқда.



Россия оммавий ахборот воситалари юқори ўринлар учун курашаётган Москванинг «Локомотив» жамоаси 18 ёшли Жасур Жалолидиновни трансфер қилаётгани ҳақида ёзмоқда.

«Локомотив» клуби раҳбарияти бўлажак трансфер бўйича «Бунёдор» клубига мурожаат қилди. Ярим ҳимоячи айти пайтда 450-500 миң еврога баҳоланмоқда ва тез орада бу трансфер расмийлаштирилиши кутиляпти.

Жасур Жалолидинов 2018 йилнинг август ойида «Бунёдор» таркибиде илк ўйинни ўтказган. У Ўзбекистон чемпионати юқори лигасида майдонга тушган энг ёш футболчи сифатида тарихга кирган. Дебют учрашувини ўтказган куни Жасур 16 ёшу 80 кунлик эди.

Бундан ташқари, ҳамюртимиз 2019 йилнинг октябр ойида «The Guardian» нашри эълон қилган «2002 йилда туғилган дунёнинг 60 нафар энг юқидорли ёш футболчиси» рўйхатидан жой олди.

Статистик маълумотларга кўра Жасур Жалолидинов «Бунёдор» таркибиде 18 та ўйинда майдонга тушиб, учта гол урган ва жамоадолларига учта голи пас узатган.

Жасур анчадан буён Европа клублари эътиборида турганини айтиш жоиз. У Италиянинг «Беневенто» клубига ҳам бориб, маҳоратини ошириб келган. Шунингдек, Туркиянинг «Бешиктош» жамоаси ҳам унга жиддий қизиқиш билдирди. Бироқ футболчининг ўзи

«Sports.uz» порталига берган интервьюсида унга таклифлар қўлпиги, лекин мутахассислар ва яқинлари билан маслаҳатлашиб, Москванинг «Локомотив» жамоасида ўйнамоқчилигини маълум қилган эди.

Дарҳақиқат, кўпчилик унинг бу қарорини тўғри деб ҳисобламоқда. Европанинг кучли чемпионатлари ва машҳур клубларига боргани билан 18 ёшли футболчи бор истеъдодини намойиш эта олмаслиги ёки унга маҳоратини кўрсатиш учун етарлича имкон берилмаслиги мумкин. Тарихда бунақа вазият кўп бўлган.

Бугунги кунда ўзбекистонлик футболчилар учун Россия премьер-лигасида муваффақиятли тўп суриш орқали Европанинг кучли клублари эътиборини қозониш энг мақбул вариантлардан бири бўлиб қолмоқда. Хусусан, «Ростов»да тўпурарлик қобилиятини кўрсатаётган Элдор Шомуродов европаларнинг эътиборига тушди.

«Локомотив» клуби раҳбарияти ва «Бунёдор» жамоаси ўртасидаги келишувга кўра Жасур Жалолидинов москваликлар билан шартнома имзолаганидан кейин ярим йил давомида Ўзбекистон чемпионатида тўп суради. Кейин Москвага ўчиб кетади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди